

А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабҳупада.

## Послание Бога



Его божественная милость А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабҳупада.

Послание Бога

"The bhaktivivedanta book trast"

ISBN 91-7149-432-4

\*Худонинг хоҳиши\*

Ўзбек тилига таржима  
Кўлёзма.

Ҳазрат А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабҳупаданинг  
ўзбек тилида нашр қилинган асарлари

Бҳагавад Гита

Насиҳатлар лаззати

Шри Ишопанишад

Бошқа сайёralарга енгил саёҳат

Ўзликни англаш таълимоти

Йога камолоти

У дунёдаги ҳаёт

Муқаммал саволар ва муқаммал жавоблар

Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади

"Бҳактиведанта Бук Траст" - нашриёти Ведалар фалсафаси  
ва маданиятига оид китобларни чоп этишга мўлжалланган, Шри  
Шримад А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабҳупада асос соган  
нашриёт. Ҳозирги кунда бу асарлар жаҳоннинг 75 тилига таржима  
қилинган.

## Мундарижа

Кириш -

Илохий илм -

Карма-йога - руҳий натижалар келтирадиган фаолият -

## Нашриётдан

Халқымиз мустақилликка эришгандан кейин бошқа халқлар ва халқаро жамиятлар орасида ўзининг муносабатда шундай бўлиб, эндилиқда ўзбек халқи ўзининг қадимий юксак маданияти, кундалик турмушдаги ўзига хос урф-одатлари билан бутун жаҳонга танияпти. Айни пайтда бошқа халқларнинг ҳар хил урф-одатлари, маданияти астасекин турмушимизга кириб келяпти, чунки эзгуликка йўърилган инсоний қадриятларни маданиятли одамлар ҳамма ерда бир хилда самимий қабул қиласидар. Бунинг устига "бошқалар сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен уларга шундай муносабатда бўл!" деганларидай, бошқа халқларнинг маданиятини, уларнинг қадриятларини ўзимиз қанчалик хурмат билан ўргана бошласак, баърикенглик билан уларни тушунишга ҳаракат қилсак, ўз навбатида бошқа халқлар ҳам бизнинг маданиятимизни, қадриятларимизни хурмат қиласидар. Мустақиллик шароғати билан халқимизнинг жаҳон халқлари маданияти билан яқинроқ танишиши учун кенг имкониятлар яратилган.

Хинди斯顿 заминидан чиқиб Хинд халқининг маънавий бойлигини бутун жаҳонга тарқатиш билан XX асрда машхур дин ислоҳотчиси ва жамоат арбоби, файласуф, олим, ижтимоий танқидчи сифатида шуҳрат қозонган буюк инсон Шрила Прабхупаданинг асарларидан бири сизнинг эътиборингизга ҳавола қилингапти. Бу рисола Олам - Одам - Худо ҳакидаги билимларини оширишга, инсон бўлиб яшашдан маъно, мазмун, максад излаб юрган чукур мулоҳазали одамларнинг жуда кўп саволларига жавоб беради деган умиддамиз.

Инсон дунёга келиб онги ривожлана бошлиши билан билим олишга интилади, илм ахтаради. Ёш бола тили чиккан кундан бошлаб ота-онасига ҳар хил саволлар бера бошлайди. Бу саволлар сезги аъзоларимиз орқали қабул қиласиган энг оддий нарсалардан тортиб, то ҳиссиётимиз билан бевосита сезиб бўлмайдиган чексиз олам - "Худо", "руҳ", "жон" сингари одатда "илоҳий" деб аталадиган нарсаларга бориб тақалади. Инсон тафаккурининг ривожланиш даражаси, унинг юксаклиги ана шу саволларга топган аниқ жавоблари билан ўлчанади. Оддий одамлар факат ҳиссиёти орқали сезадиган нарсаларни билиб олиш билан қаноатланисиб, сезги аъзолари сезмайдиган нарсаларни рад этиб, улар умуман йўқ, мавжуд эмас, деб қўя қолишади. Донишмандлар ундаи ьюфил одамларни одатда "зоҳирий"лар деб атайдилар. Юксак тафаккурга эга донишмандлар факат сезгилар орқали сезадиган борликдан юқори кўтарилиб, кўзга кўринмас "ботиний" оламга, кириб борадилар ва уни

англаш йўлларини, улар билан муносабатда бўлиш сирларини эгаллаб оладилар. Одатда ботиний табиатни англаб етган ундаи одамларни авлиё, йог, илоҳий одамлар деб атайдилар. Ўтмишда яшаб ўтган Нажмиддин Кубро, Султон Увайс, Юсуф Ҳамадоний, Баҳовуддин Нақшбандий сингари ҳамюртларимиз ана шундай буюк авлиё зотлар бўлган. Ундаи одамлар дунёнинг ҳамма ерида, ҳар бир халқ ичидаги учраб туради. Деярли бизга замондош бўлган Шрила Прабхупада ҳам ана шундай авлиё инсонлардан биридир. У ўз асарларида ана шу илоҳий, ботиний илм сирларини бутун жаҳон бўйлаб кенг таръибот қилган буюк инсон. Руҳий илм борасида у инсониятга қарийб 51 томлик асар қолдириб кетган ва бу асарлар ҳозир жаҳоннинг 50 дан ортиқ тилларига таржима қилинган. Илоҳий илмни билишнинг кимга кераги бор, деган савол тувилиши мумкин. Агар чуқурроқ ўйланиб кўрсангиз, инсон ҳаётда факат ўзининг мукаммал бўлмаган ҳиссиёти билан эмас, ботиний қалби билан яшайди. Инсоннинг танаси, сезгилари эмас, балки қалби баҳтга интилади. Тана, ақл, ҳиссиётлар қалбининг интилишини амалга оширувчи воситалардир, холос. Афсуски, худди ҳолва дегани билан оъиз чучимагани, талқон билан чанқоқни қондириб бўлмагани сингари, руҳий табиатга эга бўлган қалбимизнинг руҳий эҳтиёжини ҳам қўпол ташки нарсалар билан қаноатлантириб бўлмайди. Моддий жиҳатдан бойлиги, мартабаси, гўё баҳтли бўлиш учун ҳамма нарсаси етарли бўлган одам ҳам ўзини "баҳтлиман" деб айта олмаслигининг сабаби ҳам шунда. Қалбга бойлик эмас, баҳт керак. Баҳт эса моддий нарса эмас. Баҳт - руҳий табиатга эга бўлган қалбимизнинг лаззатли ҳолати бўлиб, аслида илоҳий тушунчадир. Шу боис, қалбининг, руҳининг асли табиатини англаб, унинг эҳтиёжини қондирира олмаган одам ҳеч қачон ҳаётда осойишталикка, баҳтга эриша олмайди. Инсон ҳаётда баҳтли бўлиши учун руҳий илмларни ўрганиши шарт, баҳтли бўлишнинг бошқа йўли йўқ. Бошқа йўллар билан инсон баҳтлиман деб факат ўзини алдаб юриши мумкин, холос. Руҳимиз, қалбимиз интилиб юрган баҳт манбаи бўлган руҳий олам билан биз яшаётган бу моддий оламни боялаб турган ягона восита Худонинг муқаддас номлари ҳисобланади. Шу боис ҳар бир халққа Парвардигор шариат қонунлари(дин) билан бирга Худонинг муқаддас номларини бериб қўйган. Руҳий оламга, Парвардигорга, Ҳақиқатга эришиш учун шариат қонунларига риоя килиб яшаб, маърифат(руҳий илм) ўрганиши, маърифатни руҳий ҳаётимизга татбиқ этиб, Тариқат йўлига кириш лозим.

Ҳазрат Шрила Прабхупада ботиний илмни оддий тилда тушунтириб, бу таълимотни аввал ўтган буюк алломаларнинг гаплари, муқаддас китоблардан олинган маълумотлар билан тасдиқлайди, чунки қайси динга мансуб бўлишидан катъий назар, ер юзидағи барча муқаддас китобларда асосан ботиний илм ҳақида гап боради. Аслида ҳар қандай дин ботиний, руҳий олам билан боъланиш йўлидир. Ҳақиқий баҳт нимада

экани ҳам фақат мұқаддас китобларда түшунтирилади, унга әришиш йүллари ҳам күрсатилади. Ҳақиқий дин - инсонни мангу баҳт-саодатта олиб борувиң күрсатмалар түпламидир. Шу боис ҳам дунёда динлар шаклан ҳар хил бўлгани билан ҳаммаасининг асл моҳияти битта, улар орасида ботиний фарқ йўқ, Мұқаддас китобларлардан бошқа бирор асар ҳаммага баробар равишда баҳтга әришиш йўлини таклиф қила олмайди. Динларнинг ташқи урф-одатлари, ақидалари ҳар хил бўлгани билан уларнинг мазмуни, моҳияти, мақсади бир - инсонни илоҳий табиатга эга бўлган Парвардигор билан, ботиний олам билан таништириш. Дунёвий бойликлар ваъда берадиган, дунёвий мақсадларга ундайдиган, лекин "диний таълимот" деб аталадиган ҳар қандай таълимотлар аслида сохта таълимотдир. Шу жиҳатдан ислом динини пеш қилиб, бойлик, ҳокимият сингари дунёвий мақсадларни кўзлаб юрган сохта диний оқимлардаги ьюфил одамларни "диндорлар" деб эмас, балки Худонинг қонунларини, ўз динини ҳақоратлаб юрган "худобезорилар" деб аташ керак. Парвардигор нозил қилган бирор ҳақиқий дин ҳеч қачон, ҳеч кимни ўткинчи дунёвий мақсадларга интилишга ундумайди.

Ҳақиқат илми, руҳий, илоҳий илм сифатида ҳеч қандай дунёвий чегараларни тан олмайди. Бунга замондошимиз Нажмиддин Кубронинг жаҳоннинг ҳамма еридан, ҳар хил динларга мансуб шогирдлари бўлгани, ҳозир ҳам Кубравия таълимоти асосан ъарбий давлатларда кенг ривожланиб кетгани мисол бўлиши мумкин. Ботиний Ҳақиқат илмини тўъри тушуниб етган одам ҳеч қачон динларни бир-биридан ажратмайди. Улар тирик мавжудотларнинг ташқи кўринишига эмас, уларни тирик қилиб турган, ҳамма ерда бир хил бўлган "руҳ"га, "жон"га эътибор берадилар.

Шрила Прабхупада ҳам ана шундай юксак даражага әришган илоҳий инсонлардан биридир. Энг муҳими Шрила Прабхупада тафаккури, фикрлаш қобилияти етарли бўлган ҳар бир фаросатли одамга руҳий илмни ўрганиб, амалда синаб кўриш имкониятини беради. Шрила Прабхупада бу таълимотни кенг таръибот қилиш учун 1966 йилда Америкада Халқаро Кришнани англаш жамиятига асос солган. 1977 йилда бу дунёни тарқ этиб кетгунга қадар мазкур жамият бутун жаҳонда кенг ривожланиб, ҳозирги вақтда жаҳоннинг ҳар бир давлатида кенг фаолият кўрсатяпти.

Шрила Прабхупада пок руҳий таълимотни тўъри тушуниб, кундалик турмушда қўллаш қандай мўъжизалар кўрсатишга қодир эканини амалда исботлади: у бу таълимотни ўргатишни Нрю-Йоркнинг энг хароба кварталида, моддий ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлиб, гиёҳвандликка берилиб кетган ёш "хиппи"лар орасида бошлиди. Худонинг мұқаддас номларидан иборат бўлган илоҳий мандраларни мунтазам такрорлаш шарофати билан орадан кўп вақт ўтмай, унга

эргашган "хиппи"лар "хиппи"(баҳтли)ларга, яъни ҳаётдан чексиз лаззат олиб яшаётган баҳтиёр авлиё инсонларга айландилар. У ўз шогирдларини гиёҳвандлик балосидан таъқиқлаш йўли билан эмас, балки гиёҳванд моддалар ўрнига улардан юксакроқ лаззат келтирадиган фаолият таклиф қилиш билан кутқариб қолди. Шрила Прабхупаданинг аввал тубанликка юз тутиб, гиёҳвандликка берилиб, жамиятнинг ташландик иллатлари бўлиб юрган шогирдлари эндиликда бутун жаҳон бўйлаб буюк авлиё инсонлар сифатида барча изланувчан одамларга ҳақиқий баҳт йўлини кўрсатяптилар. Шу тариқа буюк авлиё инсон Шрила Прабхупада асос солган бу эзгу ҳаракат бутун жаҳонда тобора кўпроқ одамларга ҳақиқий баҳт улашяпти.

Шрила Прабхупаданинг асарлари жаҳоннинг деярли барча тилларига таржима қилиниб, кенг ўрганиляпти. Унинг ўзбек тилида бир неча йил аввал чоп этилган асарлари аллақачон тарқатилиб, ҳозирги пайтда қўлдан-қўлга ўтиб юрган нодир китобларга айланган. Парвардигорни таниган, Худога әришган ҳар қандай ҳақиқий комил, авлиё инсоннинг асарларини ўқиши, ўрганиш учун одам ўз динидан юз ўгириши ёки турмуш тарзини ўзгартириши шарт эмас, чунки авлиё одамларр бизга дин, яъни шариатнинг, маърифатнинг ва тариқатнинг мақсади бўлган Ҳақиқатдан хабар берадилар.

Аслида ҳар қандай мұқаддас китоб атайлаб бирор миллат ёки бирор ҳалқ учун эмас, балки бутун инсоният учун нозил бўлади. Бу ҳақиқат Куръони Каримда ҳам бир неча бор тасдиқланади: Нисо Сураси 150-151-оят: "Албатта, Оллоҳ ва Пайъамбарига ишонмайдиган, Оллоҳ билан пайъамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган ва "айрим пайъамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз", дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир". Моида сураси, 68-оят: "Айтинг: - "Эй ахли китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмагунингизча, ҳеч қандай динда эмассизлар", Шўро сураси, 15-оят: Айтинг: - "Мен Оллоҳ нозил қилган ҳар бир Китобга иймон келтирдим... Оллоҳ Парвардигорингиз ва Парвардигоримиздир..." Анбиё сураси, 92-оят: "Сизларнинг миллатингиз - динингиз ҳақиқатда бир диндир".

Лекин Шрила Прабхупаданинг издошлари, ягона Парвардигорнинг содик хизматкорлари сифатида ўткинчи, зохирий дунёдан мангу баҳт излаш билан бекорга овора бўлиб, азоб-уқубат чекиб юрган одамларнинг динига, миллатига, ирқига, ижтимоий келиб чиқиши, ёши, касбига эътибор бермасдан бутун жаҳон бўйлаб, ҳақиқий баҳтга әришиш йўлини кенг таръибот қилиб, одамларга илоҳий, руҳий илм сирларини ўргатиб юрибдилар. Ҳаётда ҳар бир одам ҳақиқий баҳтга әришиш ҳуқуқига эга ва бунинг учун ҳаммага teng

имконият яратилган, чунки ҳақиқий баҳтга олиб борувчи руҳий, илоҳий илм ҳаммага баробардир. Фақат, ҳар бир одамнинг ўзи баҳтга интилиши ва тўёри йўлни топиши лозим. Яъни баҳтли бўлиш ҳар бир одамнинг ўзига бойлиқ.

Шрила Прабхупаданинг асарларини ўқиган киши қайси динга мансуб бўлишидан қатъий назар ўз динининг, муқаддас китобининг асл мазмунини, унинг моҳиятини тушуниб, баҳтиёр яшаш учун кундалик ҳаётда уни қандай қўллаш зурурлигини англаб етади.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган рисола ҳам Ҳазрат Шрила Прабхупаданинг илк асарларидан бири бўлиб, унда руҳий илм асослари, ягона Парвардигор биздан нимани исташи ва кундалик турмушда Худонинг хоҳишини қандай амалга ошириб яшаш йўллари тушунтирилади.

## Кириш

Одатда одамларнинг аксарият кўпчилигини икки нарса: ўзи ва ўзи яшаб турган муҳит қизиқтиради. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг қизиқиши чегараси икки соҳага бўлинади. Биринчиси - қўпол ва нағис танаси("ўзи"), иккинчиси эса - ўзининг бутун ранг-баранглиги билан бизни ўраб турган ташки олам. Лекин оддий одамлар билан бир қаторда илоҳий одамлар ҳам бор. Уларнинг қизиқишлиари факат танаси, ақли ва уни ўраб олган олам билан чегараланиб қолмайди. Улар танаси ва моддий оламдан ташқарида ётган трансцендент, яъни илоҳий, руҳий оламлар билан қизиқиб, улар билан боъланишга интиладилар. Шундай илоҳий одамларни инсон сеза оладиган ўткинчи, нисбий ҳақиқатдан кўра ўзгармас Мутлақ Ҳақиқат кўпроқ қизиқтиради.

Халқ "авлиё", "файлусуф", "ислоҳотчи", "пайъамбар" ва ҳоказолар деб атайдиган шундай одамлар ҳар хил давлатларда ҳар замон, ҳар замонда дунёга келиб туради. Улар одамларга руҳий олам хабарини келтириб, бутун инсониятга, Мутлақ Ҳақиқатга хизмат киласдилар. Шундай одамларнинг фикрига кўра, танаси ва атрофидаги шароит билан, ўзини ўраб турган атроф-муҳит билан фақат одамлар эмас, ҳатто ит, мушук сингари онги паст ривожланган жониворлар ҳам қизиқади. Инсон албатта улардан буюкроқ, улуввор нарсалар билан қизиқиб яшashi лозим. Руҳий(илоҳий) илм сирларини инсондан бошқа бирор тирик мавжудоттган амалга олмайди. Шунинг учун инсон барча тирик мавжудотлар ичida энг юксак ривожланган мавжудот деб хисобланади. Ана шу юксак марта, обрўйимиз бизга қандай маъсулият, қандай вазифа юкланини билишимиз лозим.

Тирик мавжудотлар ичida энг юксак онгта эга бўлган инсон, ўзининг фикрлаш қобилиятини, онгини мукаммал ривожлантирганида, фақат ўзи ва ўзи яшаетган олам билан қизиқиб қолмасдан, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишга ҳаракат қиласди. Мутлақ Ҳақиқат ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаракатини бошқариб, бутун олам тақдирини ҳал қилиб тургани сабабли, Уни англаб олган илоҳий одам ҳаётда тўёри яшай бошлайди. Ҳаётда Мутлақ Ҳақиқат билан мутаносиб равишда яшашнинг қонун-қоидаларини одатда "дин" ёки "диний эътиқод" деб атайдилар. Жаҳоннинг ҳар бир чеккасида диний эътиқоднинг ҳар хил кўринишларини учратиш мумкин. Агар одам ҳаётда ИНСОН деган буюк ном билан яшаса-ю, ҳеч қандай диний қонунларга амал қилмаса, ундан одамнинг ҳайвондан фарки қолмайди. Ҳар хил халқларнинг эътиқод

қиладиган дин қонунлари замонга қараб бир-биридан фарқ қилиши мумкин, аммо уларнинг барчасининг мақсади охир-оқибатда ягона Мутлақ Ҳақиқатни англаб олишдан иборат.

Мутлақ Ҳақиқат бир ва ягона, аммо ҳар хил динларга мансуб бўлган илоҳиёт одамлари мана шу ягона Мутлақ Ҳақиқатни ҳар хил даражада англаб, турлича қабул киладилар. Бирорвлар Мутлақ Ҳақиқат деганда қандайdir кўриб, англаб бўлмайдиган "илоҳий чексиз" кучни, қувватни, қудратни кўз олдига келтирадилар. Мутлақ Ҳақиқатни ана шундай тасаввур қиладиган одамлар уни "Браҳман" деб атайдилар. Яна бирорвлар Мутлақ Ҳақиқат деганда ҳамма ерни қамраб олган, ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳам қалбida мавжуд бўлган Олий Рухни тушунадилар ва Уни "Параматма" деб

атайдилар. Мутлақ Ҳақиқат ҳакида гапирадиган, яна бир гуруҳ жуда муҳим илоҳий одамлар ҳам борки, улар Мутлақ Ҳақиқат деганда мутлақ илоҳий Шахсни, яъни ягона Парвардигорни тушунадилар. Ана шу ягона Худо Шахси бутун оламни қамраб олишга ҳам, ҳар бир тирик мавжудот қалбida мавжуд бўлиш билан бирга, айни пайтда ўзгармас Мутлақ Олий Шахс бўлиб қолиш қудратига эга.

Ҳозир кўпчилик одамлар динни ўзларининг моддий манфаатлари ўёлида ишлатишни одат қилиб олганлар. Замонавий одамлар худди онгиз ҳайвонлар сингари фақат овқатланиш, ухлаш, ўзини муҳофаза қилиш ва ҳиссиётини лаззатлантириш ҳакида қайтурадилар. Улар руҳий мавзудаги сұхбатлардан иложи борича узокроқ бўлишга интиладилар ёки бу мавзуни чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилмайдилар. Ҳозирги пайтда ҳатто машхур сийёсий арబоблар оъзидан ҳам: "Қорни оч одамни Худо ҳам, дин ҳам қизиктирмайди!" - деган гапларни эшлиши мумкин. Ана шундай худобехабар раҳбарлар бошчилигига оддий одамлар аста-секин, руҳий илм олиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлган онги паст ҳайвонларга ўхшаб, фақат ўзининг моддий танаси ва унинг атрофидаги нарсалардан бошқа ҳеч нарса билан қизикмайдиган бефаросат зотларга айланаб кетяптилар.

Ҳозирги даврда инсонлар жамияти ҳам худди, ўзига тегишли жойга бошқа жойдан келган итни кўрганда акиллаб, шовқин кўтарадиган итлар даражасига тушиб қолган. Ўзи билан бир жойда яшамайдиган ёки ўзи билан бир хил дунёкарашга, бир хил эътиқодга эга бўлмаган одамни кўрган заҳоти катта шовқин кўтарадиган одамнинг онги қай даражада паст эканини тасаввур қилиш қийин. Ундай одам худди йўлбарс ёки бўрини кўриб қолгандай бутун атрофга жар сола бошлайди. Руҳий илмдан маҳрум бўлган инсонлар жамияти жаҳолат ботқоига ботиб, ҳақиқатан ҳам тобора йўлбарс ва бўрилар тўдасига айланаб кетяпти.

Шунинг учун, агар биз инсонлар онгига маънавий маданият, соълом фикр, ҳақиқий инсонларга хос эзгу қадриятларнинг қайта

тикланишини истасак, Мутлақ Ҳақиқат ҳакида ҳеч бўлмаса озгина илм ўрганишимиз лозим. Жамиятнинг фаросатли раҳбарлари бутун куч-байратларини фақат аҳолининг овқатланиш, ухлаш, ҳимояланиш ва нафсининг талабларини кондириш шароитларини яхшилашгагина сарфламаслиги керак. "Оч одамга дин ҳам, Худо ҳам керак эмас" - деб ўйлайдиган раҳбарлар яхшилаб тушуниб олиши лозимки, ҳозирги пайтда инсоният, айниқса руҳий, маънавий қашшоқликдан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ азият чекяпти. Ҳаётда "инсон" деган ном билан яшаётган ҳар бир одам албатта Худонинг ким эканини ва ҳақиқий дин нимадан иборат эканини билиши шарт.

Бу борада ЮНЕСКОнинг Парижда бўлиб ўтган бир мажлисида, Ҳиндистоннинг собиқ президенти доктор Радҳакришнан қилган маърузанинг қисқача мазмунини келтириб ўтмоқчиман. У шундай деган эди: "Қачонки, қайси бир миллат манманлик билан Худодан юз ўгириб, бутун куч-қудратини фақат моддий фаровонликка эришиш ўёлида сарфлай бошласа, у миллат албатта ҳалокатга учрайди. Бугунги кунда мактаб ва кутубхоналарни, магазин ва заводларни эмас, ҳақиқий ИНСОНни қайта тиклаш энг муҳим вазифа бўлиши керак. Агар биз инсониятнинг янги жаҳон ҳамжамиятини қурмоқчи бўлсак, энг аввало одамларни, ҳақиқий инсонларни тарбиялашимиз керак".

Онги ҳайвонлар онги даражасига тушиб кетган одамларни қайта тарбиялаш учун уларнинг Парвардигор билан бўлган ўзаро муносабатларини қайта тиклашимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. .

Дунёвий олим-файласуфлар тирик мавжудотларнинг Мутлақ Ҳақиқат билан бўлган ўзаро муносабатларини ўзларининг дунёвий билими ва илмий тадқиқотларига асосланиб, ҳар хил усул ва назариялар ёрдамида тушунтиришга интиладилар. Аммо, ўргангандан шунча билимларига қарамай ундаи файласуфлар Мутлақ Ҳақиқатни англай олмайдилар. Муқаммал бўлмаган моддий сезги органлари ёрдамида олинган маълумотларга асосланган индуктив билим олиш усули бизга Мутлақ Ҳақиқат ҳакида тўлиқ маълумот беришга қодир эмас. Олган билимлари билан маърурланадиган дунёвий файласуф олимлар ўзларининг камолотга эришмаганлигини тан олгиси келмайдилар, шунинг учун улар ўзлари Мутлақ Ҳақиқатни англаб ета олмагани сабабли, ҳар хил атеистик таълимотлар ўйлаб топиб, Мутлақ Ҳақиқатнинг, ягона Парвардигорнинг, Худо Шахсининг мавжудлигини инкор эта бошлайдилар. Тахминларга асосланган ана шундай атеистик таълимот асосида тарбияланган одамлар ьоғиллик зулматида қолиб кетаверадилар. Улар Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги олимларнинг ўйлаб топган турли соҳта тахминларига ишониб, шу билан қаноатланиб, Худо билан ўзаро муносабатларининг моҳиятини тушунмайдилар.

Илоҳиёт одамлари илм олишнинг индуктив усулини тан олмайдилар: улар бирор нарсани ўзининг сезги органлари ёрдамида тушуниб олишга уринмасдан борликнинг, илоҳий нарсаларнинг моҳиятини тушуниш, англаб олиш учун илоҳий илмга эга бўлган зотларга мурожаат қиласидилар. Бундай илм инсон қалбининг тўрида аён бўлади. Худо Шахси ва бизнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатларимиз ҳақидаги ҳақиқий илмни факат илоҳий йўл билан олиш мумкин. Парвардигор мутлақ илоҳий, руҳий табиатга эга, шунинг учун У дунёвий, паст даражада фикрлайдиган одамларга Ўзини намоён қилмайди. Худони англаш имкониятини берадиган мутлақ табиатли ягона усул мавжуд, бунга эришиш учун сезги аъзоларининг чекланган қобилиятига асосланган номукаммал, нисбий усулини қўллаш ҳеч қандай фойда бермайди. Агар Худони ўзимизнинг нисбий сезги аъзоларимиз билан кўра оладиган бўлсак, унда Худо эмас, бизнинг сезги аъзоларимиз мутлақ табиатга эга бўлган бўларди. Аммо аслида сезиш қобилиятимизнинг бирортаси бизга Худо ҳақида бирор маълумот, илм бера олмайди.

Биз Мутлақ Ҳақиқатни нисбий билимимиз ёрдамида англаб ета олмаймиз, лекин Мутлақ Ҳақиқатнинг Ўзи чексиз марҳамат кўрсатиб бу дунёга келиб Ўзини намоён этади. Ҳозирги ривожланган илм-фаннинг ҳеч қайси усули ёрдамида ярим кечада осмонга қуёшни чиқариб бўлмайди. Аммо, эрталаб бизнинг ҳеч қандай уринишларимизсиз, қуёш ўзидан-ўзи пайдо бўлади. Қуёш чиққанида туннинг қорони зулмати ўз-ўзидан тарқалиб кетади. Худди шунингдек, Худо Шахси ва Унинг яқин ҳамроҳлари ҳам, бу моддий оламда ўз ихтиёри билан, ҳеч кимнинг ёрдамисиз пайдо бўладилар. Ўзларининг бесабаб марҳамати билан улар *табиатнинг уч гунаси деб* аталадиган Худонинг моддий қуввати таъсирида адашиб юрган тирик мавжудотларга ёрдам бериш учун бу дунёга келадилар.

Агар эрталаб биз хонанинг ойна ва эшикларини қаттиқ бекитиб олсак, хонага қуёш нурлари тушмай, қороњилигича қолаверади. Худди шунингдек, Худо Шахси ёки Унинг ҳамроҳлари илоҳий илм нурини таратиш учун бу дунёга келганида биз қалбимизнинг эшик ва ойналарини бекитиб олмаслигимиз керак. Акс ҳолда қалбимиз Парвардигор ва Унинг хизматкорларидан таралиб турган илоҳий илм нури билан ҳеч қачон тўлмайди ва ьюфиллик зулматида қолиб кетаверамиз. Парвардигор ва бизнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатларимиз ҳақидаги илмни биз факат Худонинг гапларига камтарин қулоқ тутиш натижасидагина билиб олишимиз мумкин. Қўлингиздаги рисола ҳам айнан ана шундай руҳда ёзилган. Унда Парвардигорнинг сизга айтган гаплари келтирилган. Бу рисола бутун инсониятга ва Ҳақиқат илмини излаб юрган хар бир инсон қалбига руҳий илм нурини олиб киради. Худонинг хоҳишини инсонлар

қалбига етказиш учун қилаётган бу уринишим қанчалик муваффақиятли чиқиши менга номаълум, шу боис рисоладаги мумкин бўлган камчиликлар учун аввалдан сизлардан кечирим сўрайман.

Муаллиф.

# РУХИЙ ИЛМ.

"Бу илм - барча илмлар шохи, энг сирли илм.

Бу - энг пок илм ва камолот чўққисидир, чунки у бизга илохий англаш орқали ҳақиқий ўзлигимизни, ўзимизнинг аслида ким эканимизни бевосита ҳис қилиши имкониятини беради. Бу - мангу илм, уни ўрганиш кишига лаззат бағишлади.

"Бҳагавад Гита", 9.2.

Мен, хаётда адашган инсонларга нурли йўл кўрсатган, чексиз илохий марҳамат уммони бўлган руҳий устозим Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати Госвами Прабхупада олдида камтарин ҳолда, чуқур эҳтиром билан самимий бош эгаман. Унинг руҳий оламдан келтирган илохий илм чироги ҳаммага ва алоҳида ҳар бир инсонга чексиз баҳт-саодат келтириш учун гофилилк зулматини ёритди, у менинг ҳам қалбим кўзларини очди.

Биз ўзимизнинг кичкина икки кўзимиз билан жуда мағрурланамиз ва улар ёрдамида истаган нарсанни кўра оламиз деб ўйлаймиз. Аммо, кўриб турган нарсаларимизнинг ҳаммаси гофилилк зулматига ботганлиги ва шу боис биз уларнинг бузилган аксини ёки уларнинг фақат бир қисминигина кўриб турганимиздан умуман бехабармиз. Яхши ўйлаб карасак, "ҳар бир нарсанинг асл ҳолатини кўриш мумкин", деб юрган киши қаттиқ адашади. Ҳар куни шарқдан кўтариладиган Қуёш - аслида катта самовий сайёра, лекин у кўзимизга худди нур таратиб турган катта шарга, доирага ўхшаб кўринади. Аммо маълумки, аслида Қуёш Ер шаридан ҳам анча катта бўлган сайёра. Демак биз мағрурланиб юрган кўзимиз бундай ишларга умуман яроқсиз бўлиб, ҳар куни бизни алдаб юрган экан. Кўзларимиз фақат маълум шароит яратилгандагина бизга бирор маълумот беришга қодир. Биз жуда узоқдаги ёки жуда яқиндаги нарсани, масалан кипригимизни кўра олмаймиз; худди шундай биз қоронғида ҳам хеч нарса кўролмаймиз. Демак, моддий табиат бизга маълум бир шароит яратиб бергандагина биз кўзларимиз билан мағрурлана оламиз. Акс ҳолда кўзларимиз қанчалик ажойиб бўлмасин, атрофимиздаги нарсаларни асл ҳолида кўришга қодир эмасмиз. Бизни ўраб турган атроф-муҳит ҳақида ахборот берадиган бошқа сезги аъзоларимиз ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин.

Шундай қилиб, теварак атрофни ўрганиш учун бизнинг имкониятимиз чекланган, яъни улар бутунлай ташки шароитларга боғлиқ,

шу боис улар мукаммал ҳисобланмайди. Ҳиссиётимиз ёрдамида олинган бундай нотўғри тасаввурларни алданган одамнинг ўзи ҳам, унга ўхшаб алданиши мумкин бўлган бошқа одам ҳам ўзгартира олмайди.

Агар биз қоронғидаги бирор нарсанни ўрганмоқчи бўлсак, кўриш қобилиятимиз бунга ёрдам беролмайди; бунинг учун бошқа органларимиздан фойдаланиб маълумот олишга тўғри келади. Демак, бизни қизиқтираётган нарса ҳақида тўлиқ маълумот ололмаймиз. Агар шу нарса ҳақида пайпаслаш ёки бошқа бирор усул ёрдамида маълумот олишга муваффак бўлсак, ҳатто бу маълумотлар ҳам барибир тўлиқ бўлмайди ёки нотўғри бўлади. Бу ҳол, филни биринчи бор учратган ва уни пайпаслаб туриб, бир-бирига бу ғалати ҳайвоннинг қандай жонивор эканини таърифлаб беришга уринаётган кўзи кўр одамлар ҳақидаги ҳикояни эслатади. Улардан биттаси филнинг хартумини тутиб кўриб: "Фил дегани - катта илонга ўхшар экан!" - дейди. Яна биттаси филнинг оёгини кучоқлаб кўриб: "Йўқ, фил дегани катта йўғон устунга ўхшайди!" - деб унга эътиroz билдиради ва ҳоказо.

Коронги жойда бирор нарсанни аниқ кўришнинг фақат бир йўли бор; кимдир у ерга чироқ ёқиб, теварак-атрофни ёритиши керак. Шундагина ҳамма нарсанни асл ҳолида, аниқ кўра оламиз. Худди шунга ўхшаб, биз фақат қалбимизни илохий илм нури билан ёрита оладиган ҳақиқий руҳий устоз марҳамати билангина Ҳақиқатни кўра оламиз. Туғилгандан бери бизлар ҳар хил саволлар билан турли устозларга мурожаат қилиб келганимиз: отамизга, онамизга, ўқитувчиларга. Фақат уларнинг ёрдами билан, уларнинг гапларига камтарин кулоқ солиши билан аста-секин тажриба орттириб, илмимизни ошириб борамиз.

Ўқитувчиларимиз мактаб партасидан то институтни тутатгунча бизларни билим олиш йўлидан етаклаб боради. Агар биз бу йўлни давом эттириб, руҳий илм ўрганмоқчи бўлсак, руҳий илм беришга қодир бўлган ҳақиқий руҳий устоз топишга ҳаракат қилишимиз лозим. Мактаб ва институтларда олинадиган билим бизга ҳозирги хаётимизда бирор нарсанни ўрганишда ёрдам бериши мумкин, аммо бу билимлар руҳий илмга бўлган мангу ташналигимизни қондира олмайди. Аслида биз руҳий илмга умрлар оша, кун сайин, соат сайин интилиб келяпмиз.

Бирор фан бўйича илм олиш учун шу фанни ўргатадиган ўқитувчи билан танишиб, унинг раҳбарлиги остида илм ўрганиш керак. Агар киши бирор илмий даргоҳда таълим олиб, илмий унвонга эга бўлишини истаса, у аввалига шу даргоҳ билан маълум муносабат ўрнатиши лозим. Кейин ўқитувчиларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, уларнинг раҳбарлиги остида илм ўргана бошлади. Буларнинг ҳаммаси олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун зарур бўлган шартлардир. Худди шунингдек, агар биз жиддий равишда, мангу ҳаёт қонун-коидаларини ўрганишни ва оламнинг тузилишини асл ҳолида аниқ

кўришни истасак, ҳақиқатан ҳам бизни ғафлат ботқоғидан қутқариб, қалбимиз кўзини очишга қодир бўлган руҳий устоз билан алоқа ўрнатишимиз лозим. Руҳий илм ўрагниш учун руҳий устозга мурожаат қилиш - ўзгармас қонундир. Бу мангу қонунни ҳеч ким, ҳеч қачон ўзгартира олмайди.

Руҳий устоз билан илоҳий муносабат ўрнатган кундан бизнинг ҳақиқий руҳий ҳаётимиз бошланади. Упанишадалар ва бошка мұқаддас китобларда айтилишича, инсон чукур ҳурмат ва эҳтиром билан барча мұқаддас китобларни яхши биладиган ва руҳий илмни тўлиқ эгаллаган руҳий устознинг оёғига бош эгиши лозим. Бу илмни мұкаммал эгаллаш учун руҳий устозлар силсиласига кириб, руҳий ҳаёт қоидаларига қатъий риоя қилиб, улардан ўrnak олиш, уларнинг яшаш маданиятини ўрганиш керак. Ҳар хил диний ташкилот ва жамият раҳбарлари кўп ҳолларда руҳий устоз учун зарур бўлган фазилатларга, мұкаммал сифатларга эга бўлмайди. Шунинг учун шунчаки шогирд бўлиш қоидаларига амал қилишнинг, ёки урф-одатларга кўра шундай одамларга мурожаат қилишнинг ҳеч қандай маъноси

йўқ. Ҳақиқий руҳий таълим олмаган одам руҳий юксалишда камолотга эриша олмайди.

Комил руҳий устоз Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси, (карийб беш минг йил мұқаддам) Ўзининг шогирди бўлган жангчи Аржунга "Бҳагавад-Гита" фалсафасини тушунтириб берган эди. Аржуннинг Кришна билан ўзаро муносабати - руҳий устоз билан шогирд ўртасида ўрнатилиши лозим бўлган муносабатга энг яхши ўrnak бўла олади. Аржун Кришнанинг энг яқин дўсти эди, шунинг учун Шри Кришна "Бҳагавад Гита"ни гапирап экан, унга барча мұқаддас китобларнинг асл маъносини, моҳиятини тушунтириб берди. Ҳаётда ҳар куни кундалик вазифаларимизни бажариш билан банд бўлиб юрганимиз сабабли, одатда бизни дунёвий "нафс ва нафс билан боғлиқ фалсафа"дан бошка ҳеч қандай фалсафа қизиктирмайди. Биз қоринни, нафсимизни тўйғазиш ҳақида жуда кўп таълимотлар яратиб қўйғанимиз, шу сабабли мангу ҳаётга эришиш имконини берадиган фалсафа билан қизиқишига умуман вақт тополмаймиз. Ваҳоланки, биз қанча умрлардан бери кетма-кет таналар алмаштириб, айнан чексиз, туганмас, мангу баҳтга, мангу ҳаётга интилиб мумкин" деб айтмаганлар.

Кришна Аржуннинг жанг аравасини Курукшетра майдонида жанг бошлашга тайёр турган қарама-қарши икки кўшин ўртасига олиб чиққанида, Аржун худди ғафлатга ботган ожиз одамларга ўхшаб, қариндошларига қарши жанг қилишдан бош тортганди. Лекин Кришна "Бҳагавад Гита" илмини бериб, унга илоҳий илм сирларини ўргатди. Шу тарика асрлар оша Парвардигорнинг Ўзи ёки Унинг ишончли вакиллари

бу дунёда яшаётган одамларнинг онгини қоплаб олган ғофиллик зулматини илоҳий илм нури билан ёритиб, уларга чексиз марҳамат кўрсатиб келадилар. Агар уларнинг бесабаб марҳамати бўлмаса, бизлар ҳеч қачон илоҳий, руҳий илм сирларини эгаллай олмаган бўлардик.

Баъзан Олий Шахс, Парвардигорнинг Ўзи бу дунёга ташриф буюриб, одамларга руҳий илм ўргатади, баъзида эса Парвардигор бундай шарафли ишни Ўзининг содик хизматкорларига буюради. Ўтмишда келиб кетган, келажакда келадиган пайғамбарлар, масиҳ ёки авлиёлар - ягона Парвардигорнинг энг қадрли хизматкорлари хисобланади. Исо Масих - "Худонинг ўғли" сифатида, Мұҳаммад пайғамбар - "Худонинг элчиси" сифатида, Тангри Чайтанря - "Худонинг содик хизматкори" сифатида бу дунёга келиб кетганлар. Аммо, шундай буюк зотлар бу дунёга ким бўлиб келишидан қатъий назар, уларнинг барчаси инсониятга бир нарсани уқтириб кетганлар: бу ўткинчи дунёда мангу баҳт ва фаровонликка эришиб бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси бир овоздан мангу баҳт ва фаровонлик ҳукм сурадиган бошка бир олам, бошка бир дунё мавжудлиги ҳақида бизга хабар келтирганлар. Биз ҳаётда бу ўткинчи дунё чегарасидан ташқарида бўлган Худонинг ана шу даргоҳидаги мангу ҳаёт ва баҳтга интилиб яшашимиз лозим. Ҳатто, Худонинг Шахс эканини рад этган Будда ва Шанкарачаря сингари буюк дин ислоҳотчилари ҳам ҳеч қачон: "бу моддий оламда, мангу баҳт ва фаровонликка эришиш мумкин" деб айтмаганлар.

Лекин, ҳозирги замонавий мафкура йўлбошчилари, аксарият оддий одамлар сингари, адашган ҳолда: "бизни ўраб турган оламдан бошка ҳеч қандай дунё йўқ, руҳий олам, илоҳий мавжудлик йўқ, бу дунёда яшаб, қалбимизнинг баҳт ва фаровонликка бўлган мангу интилишини тўла қондириш мумкин" деб хисоблайдилар. Ана шундай одамларнинг фикрига кўра, бизнинг моддий танамиз - асл, ҳақиқий ўзлигимиз; тана билан боғлиқ нарсаларни ўрганиш эса - ўзликни англаш; ҳаётдаги бурчимиз - ҳар хил йўллар билан то ўлгунча, танамизнинг саломатлигини таъминлаб, ҳиссиётимиз, нафсимиз талабларини қондириб яшашдан иборат ҳисобланади. Жамият раҳбарлари Худони фалсафий йўл билан англаб олишни шунчаки ақлий қобилиятларни ривожлантириш машки ёки оддий эрмак деб биладилар. Лекин, кўриб турибмизки, бундай дунёкарашлар жамиятга ҳеч қандай баҳт-саодат келтираётгани йўқ.

Шундай қилиб, Аржун жанг майдонида худди ғафлатга ботган оддий одамлар сингари руҳий тушкунликка тушшиб колганди. Аржуннинг ана шу ҳаракати туфайли ягона Парвардигор, Худо Шахсининг илоҳий оғзидан жаҳондаги иљк мұқаддас китоб - "Бҳагавад Гита" нозил бўлган эди. Парвардигор қачон бу дунёга ташриф буюrsa, Унга ҳамиша ишончли содик хизматкорлари ҳамроҳ бўлиб келади. Аржун ҳам

Парвардигор Кришнанинг мангу ҳамроҳларидан бири ҳисобланади. Бутун инсониятга илохий илм нурини ёйиш учун Парвардигор Аржунга "Бҳагавад Гита"ни гапириб берди.

Аржун Парвардигорнинг соф содик хизматкори бўлгани учун "Бҳагавад Гита" фалсафасини ҳатто жанг майдонидаги фавқулодда, жуда қалтис вазиятда ҳам муҳокама қилишга қодир эди. Ҳозирги замонда яшаётган оддий одамлар, гарчи бехавотир шароитда, кундалик ишларини бемалол бажариб юрган бўлсалар ҳам, мангу ҳаёт фалсафасини муҳокама қилишга вақт топа олмайдилар. Лекин Аржун, бизларнинг барчамизга ўрнак кўрсатиш учун, ўйланишга мутлақо фурсат бўлмаган фавқулодда вазиятда "Бҳагавад Гита" илмини тушуниб олишга ҳаракат қилган. У факат бизнинг баҳт-саодатимизни ўйлаб шу ишни амалга оширган. "Бҳагавад Гита"да баён этилган ҳаёт фалсафасини англаб етгандан кейин Аржун қатъий қарор билан жангга киради.

Худди оддий одамлар сингари, Аржуннинг қалбида пайдо бўлган қариндошларига нисбатан қаттиқ боғланиш туйғуси - унда руҳий илмнинг етишмаслигини кўрсатиб турарди. Лекин, руҳий илмга эга бўлиш инсоннинг ҳаётда ўз бурчини бажариб яшащдан бош тортишига баҳона бўлолмайди. Аржунга "Бҳагавад Гита" илмини тушунтирас экан, Парвардигор унга ҳаётда ўз бурчини бажаришдан бош тортишни маслаҳат бергани йўқ. Аксинча, Кришнанинг марҳамати билан руҳий илмга эга бўлган Аржун ўз бурчини мукаммал бажариб, қатъий қарор билан жанг қила бошлади. Биз ҳакиқий руҳий илмга эга бўлганимизда, табиий равишида қалбимизда Худога нисбатан илохий муҳаббат, Унга садоқат билан холис хизмат қилиш истаги уйғонади. "Бҳагавад Гита"нинг, Худонинг хоҳишининг маъноси, мазмуни, мақсади шундан иборат.

Аржун жанг қилиш билан боғлик бўлган муаммоларни ўз ақли билан ҳал қила олмаслигини билиб, камтарин ҳолда бутун ихтиёрини Худога, Парвардигор Кришнага топшириб, Унинг итоаткор шогирди бўлди. Бунгача Аржун Кришна билан худди дўстлар сингари сухбатлашиб турган эди. Дўстона сухбатлар аксарият ҳолларда бемаъни баҳс-мунозараларга айланиб кетади. Шунинг учун Аржун Кришнанинг шогирди бўлишга қарор қилганди, чунки шогирд руҳий устозининг гапига, амрига қарши чиқа олмайди. Руҳий устоз билан шогирд орасидаги муносабатларнинг туб моҳияти шундан иборат.

Аржун ўзининг илми билан мағурланмай, ихтиёрини бутунлай Унга топширгандан кейингина, Парвардигор Шри Кришна унга илохий "Бҳагавад Гита" илмини ўргатди. Биз ҳам ҳозирги пайтда, ҳали ўз ихтиёрини Кришнага топширмаган Аржун сингари, ҳаётдаги муаммоларимизни ўзимизнинг мукаммал бўлмаган илмимиз ва ҳаёт

тажрибамизга ишониб ҳал қилишга уриниб юрибмиз. Аммо турмушда ҳамиша, ҳар тарафдан учраб турадиган ақлий ва жисмоний муаммолардан қутулиш учун қилаётган барча уринишларимиз ҳеч қандай фойда бермай, вақтимизни ва кучимизни бекорга сарфлаганимиз қоляпти, холос. Токи инсон ўзининг ҳаётдаги барча муаммоларини мангу ҳаёт нуқтаи-назаридан тушунган ҳолда бартараф этишга интилмас экан, у на бу ҳаётида, на кейинги ҳаётида баҳтга эриша олмайди. "Бҳагавад Гита"да баён этилган улуғвор илохий таълимотнинг мазмуни шундан иборат.

Биз моддий тана ва ҳиссиётимиз истакларидан устун турадиган руҳий илмга муҳтожмиз. Ўз ҳаёт фаолиятимизда мана шу илохий ҳолатга эришмай туриб ҳеч қачон ҳақиқий осойишталикка эриша олмаймиз. Руҳий, илохий ҳолат - мангулик, мангу ҳаёт кечириш ҳолатидир, шундай ҳаётсиз моддий тана ҳам, моддий ақл ҳам мавжуд бўла олмайди. Шунга қарамай, гарчи аслида ҳатто мангу ҳаёт нима эканини билмасак ҳам, биз ўзимизнинг моддий илм олишдаги ютуқларимиз билан фахрланиб, мағурланиб юрибмиз.

Ҳозир биз у ёки бу даражада мангу руҳимизни қоплаб олган, шунчаки ташқи қобиқдан иборат бўлган моддий нарсаларни ўзимизга қиёслаб юрибмиз. Мана шу ташқи, бегона нарсаларни ўзимизга қиёслаш оқибатида ҳаётда ҳар хил баҳс-мунозараларга, низоларга дуч келамиз. Бизнинг туганмас, ҳақиқий баҳт ва осойишталикка эришишга бўлган орзуимиз факат ана шу сохта қиёслашлардан қутулиб, мангу табиатимизни англаб етганимиздагина рўёбга чиқади. Буюк олимлар, машҳур давлат арбоблари ёрдамида бу дунёдаги моддий ҳаётимизни енгиллатишга зўр бериб уринишмиз илохий, руҳий ҳақиқатдан жуда узок. Бу уринишлар бизга танамизни, ақлийизни сохта қиёслашларнинг янги турлари билан чиройли қилиб қўрсатади, холос. Кришна "Бҳагавад Гита"да бундай уринишлар ҳамиша муваффакиятсизлик билан тугайди, деб айтади.

Ҳаётда бошига тушган қийинчиликлардан қутула олмаган Аржун, Кришнани ўзига руҳий устоз сифатида қабул қилган заҳоти, Кришна унга танбех бера бошлади: "Аржун, гарчи чукур маъноли гапларни гапираётган бўлсанг ҳам, аслида сенга илм етитшмайди, чунки сен ҳақиқий донишмандлар парво қилмайдиган нарсалар ҳақида қайғуриб, қийналяпсан".

Донишманд одам ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлиб, яна ўз-ўзидан йўқолиб турадиган нарсаларни қайғуриб қийналмайди. Онамиз қорнида дунёга келадиган моддий тана эртами, кечми баривир яна йўқолиб ерга, кулга ва чиқиндиларга айланиб кетади. Худди шунингдек, сохта ўзлик, идрок ва ақлдан иборат нафис танамиз ҳам руҳ озодликка эришгандан кейин яксон бўлиб, емирилиб кетади. Шунинг учун ҳақиқий илмга эга бўлган

киши моддий тана ва ақлга, улар билан боғлиқ бўлган баҳт ва мусибат тушунчаларига унчалик катта эътибор бериб ўтирамайди.

Аксинча, руҳий илмга эга бўлган донишманд киши илоҳий табиатга эга бўлган, моддий тана ва ақл ёрдамида англаб бўлмайдиган жони, руҳи ҳис қиласидиган баҳт ва мусибатларга эътиборини қаратади. Рух, жон ҳакида ана шундай илмни биладиган одамни "илоҳий илмга эга инсон" деб атайдилар. Аржун бу дунёда адашган дунёвий одамларнинг кўзини очиш ниятидагина ўзини руҳий илмдан бехабар, ғофил одам килиб кўрсатади. Парвардигор эса, ўз навбатида Аржун бошқа ҳар қандай одамдан ҳам муносиброқ шогирд бўлгани учун унга "Бҳагавад Гита" илмини тушунтирган эди.

Аржуна сингари Бенгалиянинг ҳукмдори Набоб Ҳусайн Шоҳнинг вазири - Сакар Маллик ҳам (500 йил муқаддам) Банорас шахрида Чайтаня Махапрабху билан учрашганида ўзини "дунёвий ишларга берилган нодон одам" деб таништирган эди. Кейинчалик у Тангри Чайтанрянинг энг яқин шогирдларидан бири Санатана Госвами номи билан шуҳрат қозонди. Тангри Чайтанряя мурожаат қилиб у шундай деган эди: - "Илоҳий илмдан бехабар бўлган оддий одамлар мени буюк инсон, маҳатма, ёки *парамахамса* деб ўйладилар. Лекин мен ўзимни уларнинг шундай аташларига муносиб деб ҳисобламайман; бу одамлар менга аслида ўзим муносиб бўлмаган сифатларни тақиб мурожаат қилиш билан мени ҳакоратлаётгандай туюлади. Мен ҳакиқий ўзлигим, ҳакиқий табиатим ҳакида ҳеч қандай илмга эга эмасман, аммо бу одамлар мени "билимдон киши" деб хурмат қиласидилар. Уларнинг бу одатлари менга гўё улар менинг устимдан кулаётгандай, мени ҳакоратлаётгандай бўлиб кўринади".

Ўзининг асл ҳолатини Шрила Санатана Госвами шундай таърифлаган эди. Аслида руҳий илмдан хабардор бўлса ҳам, у камтарин ҳолда ўзини содда, дунёвий ғофил одамлардай қилиб кўрсатиб турганди. Шрила Санатана Госвами, гарчи илоҳий илмдан бехабар бўлса ҳам, бошқаларнинг ўзини буюк олим, машҳур давлат арбоби деб аташларига йўл қўйганидан афсусланарди. Бу билан у шуни айтмоқчи-ки, дунёвий одамлар орасида ҳакиқий ўзлиги, "Мен"и ёки мангу руҳ ҳакида ҳеч нарса билмаган ҳолда, мангу руҳий бойлик ҳакида ўйламасдан, ҳаётда ўткинчи табиатга эга моддий танаси ва ақли даражасида баҳт ва мусибат татиб юрган одамларнинг, ўзлари сингари ғофил, нодон одамлар орасида "буюк олим", "машҳур давлат арбоби", "ўткир файласуф", "маҳатма" ёки "*парамахамса*" сингари ўткинчи соҳта обрўга эга бўлишга интилиб тиним билмай курашиб юрган одамдан ҳам каттароқ аҳмоқ йўқ. Санатана деган ибора "мангу" деган маънени англашади. Санатана Госвами тирик мавжудотларнинг моддий танаси ва ақли ҳис қиласидиган вақтинчалик баҳтга эмас, мангу руҳий баҳтга эришишни жуда истаган эди. Демак,

мангу руҳининг мангу баҳтиёрлик ҳолатига эришишга интилаётган кишини Санатана Госвамининг издоши, яъни ҳакиқий "илоҳий одам" деб ҳисоблаш керак.

Ҳозирги даврда деярли барча сиёсий арбоблар ва жамият раҳбарлари, олимлар ва "буюк зот"лар у ёки бу даражада дунёвий одамлар ҳисобланади ва руҳий илм билан умуман қизиқмайдилар. Шунинг учун ана шундай билимдон олим ва йўлбошчиларга ўрнак кўрсатиб, уларга таълим бериш учун, Парвардигор Аржунга танбех бериб, уни ҳакиқий билимдон одам ёки *пандит* деб ҳисоблай олмаслигини айтади.

Ҳозирги жамият раҳбарларининг кўплари фақат моддий тана ва ақл билан боғлиқ бўлган ҳар хил диний таълимотларни тарқатяптилар. Лекин уларнинг ичида камдан-кам одамларгина тана ва ақл - шунчаки мангу руҳнинг устидаги вақтинчалик "кийими", "кўйлаги" ёки "пўстини" эканини тушунадилар. Фақат кийимни парваришлиш ёрдамида унинг эгаси бўлган руҳ баҳтли бўла олмайди. Парвариши қиласидиган, қайғурадиган энг муҳим, асосий нарсамиз - руҳ бўлиши керак. Фаросатли инсон ҳаётда энг муҳим нарса - руҳни четга суриб қўйиб, иккинчи даражали нарсалар ҳакида ўйлаб ўтирамайди. Энг муҳим нарсани парваришлиш, унинг эҳтиёжини қондириш натижасида иккинчи даражали нарсалар бўлган тана ва ақл ҳам ўз-ўзидан қаноат ҳосил қиласиди. Лекин иккинчи даражали мақсадларга интилиш билан асосий мақсадга эришиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, "устки кийим"ни яхши парваришлиш ёрдамида қорин тўйғазиб бўлмагани сингари, моддий тана ва ақлнинг эҳтиёжларини қондириш билан руҳнинг чанқоғини қондириб бўлмайди.

Шунинг учун тирик мавжудот ҳакида гап борганида биз тана ва ақлни шахснинг - "ҳаётий куч"нинг, ёки "руҳ"нинг ташки қобиклари деб карашимиз керак. Бу ташки қобиклар ўткинчи, демак улар билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳам ўткинчи, вақтинчалик нарсалардир. Ўткинчи тана ва ақл ҳис қиласидиган баҳт ва мусибат ҳам вақтинчалик нарсалардир. Шундай нуқтаи-назардан келиб чиқсан ҳолда Парвардигор Кришна "Бҳагавад Гита"да шундай дейди: "Эй Кунтинг ўғли, ёзинг иссиғи, қишининг совуғи сингари, баҳт ва мусибатлар сезги аъзоларининг фаолияти натижасида юзага келади. Улар табиат конунлари асосида ўзидан-ўзи келиб-кетаверади, шунинг учун ҳеч қандай ташвишга тушмасдан, уларга чидам билан сабр-қаноат қилишни ўрганиш керак. Ўткинчи баҳт ва мусибатлардан ташвишланиб, безовта бўлмайдиган одамларгина мангу баҳтга эришишга муносиб бўладилар"

Лекин, ҳозирги ҳолатимизда биз тана ва ақлимиз ҳис қиласидиган ўткинчи баҳт ва мусибатларга бефарқ қараб тура олмаймиз. Биз тана ва ақлимизни ўзимизга қиёсламай тура олмаймиз. Шунинг учун ҳам моддий

бахт ва мусибатларга бефарқ қараб туриш қўлимииздан келмайди. Аммо, руҳий илмга эга бўлиш - бошимига тушаётган воқеа-ҳодисаларга умуман бефарқ бўлиш дегани эмас; ҳамиша келиб-кетиб, алмашиб турадиган бахт ва мусибатлар таъсири остида руҳий хотиржамликни, қалбимизнинг осойишталигини йўқотмасликка ўрганишидир.

Биз ўткинчи бахт ва мусибатларнинг табиатини ўрганишимиз, уларни тушуниб олишимиз лозим. Уларни рад этиш, ёки уларга эътибор бермаслиқ, худди моддий тана ва ақлнинг мавжудлигини таъминлаб турган руҳга эътибор бермаслик сингари энг катта ғофилликдир. Аслини олганда, агар инсон руҳни англаб етиш ва қалбида руҳий илм олишга интилиш, иштиёқ ўйфота олиш баҳтига мусассар бўлса, ҳатто танаси ва ақли орқали келадиган энг катта баҳт ва мусибатлар олдида ҳам ташвишга тушмай, илоҳий лаззатга фарқ бўлиб хотиржам ва осойишталика яшайверади. Ҳақиқий осойишталикка факат ана шундай илоҳий ҳаётдагина эришиш мумкин. Факат ана шундай ҳаётгина инсонга ҳақиқий ва мангу мамнуният, осойишталик олиб келади. Узоқ вақт бегона юртларда бўлиб, ниҳоят уйига йўл олаётган кишининг ҳис қилаётган лаззати шунча вақт кўрган қийинчиликларини бутунлай эсидан чиқарип юборади. Қадрдон уйига, севимли оиласи бағрига қайтаётган кишининг қалбидаги кувончига ҳеч қандай қийинчиликлар рахна сололмайди. Худди шунингдек, олган илоҳий илми ёрдамида, ўзининг мангу уйига, Худонинг мангу даргохига қайтаётганига аниқ ишонган киши ҳам танаси ва ақли келтириб чиқараётган мусибатларга ортиқча эътибор бериб ўтиrmайди.

Ҳиссиётларимиз бизга ҳар хил баҳт ва мусибатларни бошдан кечириш имкониятини беради. Шакл, таъм, ҳид, товуш ва терига тегиш орқали сезиладиган нарсалар - ақлимиз билан биргаликда, бизга ҳар хил ёқимли лаззат ва ёқимсиз азоб-уқубатлар олиб келадиган сабаблардир. Қиши пайтида совуқ сувда чўмилиш биз учун азоб бўлса, ёзда шу сувнинг ўзи бизга роҳат бағишлиади. Оловнинг ҳарорати қишида ёқимли, лекин ёзда ўша ҳарорат бизга азоб беради. Демак, олов ёки сувнинг ўзи бизга азоб бериш ёки роҳат бағишлишга қодир эмас. Ҳиссиётимиз уларни қандай шароитда қабул қилишига қараб, улар бизга роҳат ёки азоб-уқубат манбаи бўлиб туюлади. Шунинг учун дунёдаги бирор нарса биз учун факат баҳт ёки факат мусибат манбаи бўла олмайди; баҳт ва мусибат тушунчалари нисбий, ўткинчи тушунчалардир - улар сезгиларимизнинг ҳиссиётимиз, фикрлашимиз ва истакларимиз билан қанчалик мутаносиблигига боғлиқ.

Лекин, соҳта ўзлик таъсири остидаги фикрларнинг, ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлган вақтингчалик баҳт ва азоб туйгуларининг мангу руҳга ҳеч қандай алоқаси бўлмагани сабабли, улар "мавжуд бўлмаган ҳакиқатлар", "ёлғончи нарсалар" деб аталади. Олимлар табиий ва

ижтимоий фанлар бўйича қанчалик юксак чўққиларга кўтарилимасинлар, агар уларнинг олган илми мангу руҳга алоқадор бўлмаса, бу илмни тана ва ақлимизни ўраб олиб, бизни ғафлат ботқоғига ботириб, ўзига бўйсундириб қўяётган "табиат куч(гуна)ларининг вактингчалик намоён бўлиши" деб тушуниш керак.

Табиатнинг уч гунаси таъсири остида факат "соҳта, ёлғончи борлик"ни намоён этувчи моддий илм ҳеч қаҷон инсонга ҳақиқий баҳт ва осойишталик келтира олмайди. Парвардигор Кришна "Бҳагавад Гита"да айтганидек, "мангу руҳ ҳакида илоҳий илмга эга бўлиб, ўткинчи баҳт ва мусибатларга эътибор бермайдиган одамгина туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик келтирадиган азоблардан биратўла қутулиб, мангу, руҳий ҳаётда ҳақиқий баҳтга эриша олади".

Шунинг учун биз инсоният учун бирор эзгу иш қилишга уринаётган, лекин уни амалга ошира олмай юрган ҳар бир одамга, бу ишда маслаҳат сўраб Худонинг Ўзига, Парвардигор Кришнага ёки Аржундан ўрнак олиб яшаётган Худонинг содик хизматкорларига мурожаат қилишни тавсия қиласиз. Шубҳасиз, ҳар бир одам бошқаларга яхшилик қилиши лозим, лекин энг аввало яхшиликни қандай қилиш кераклигини билиб олиш лозим. Агар одам соҳта яхшилик, қалбаки саховат кўрсатиш ниятида бошқаларнинг манфаатини ўйлаб юрган бўлса, натижада унинг ўзи ҳам бойлик, обрў ва шон-шуҳрат сингари ўткинчи, соҳта нарсаларга эришади, холос.

Гитлер ёки Муссолини сингари дунёвий йўлбошчилар ҳамфирларини ўзи ишлаб чиқкан, тинч йўл билан ёки қурол кучи билан ўтказиладиган

ислоҳотлар одамларга албатта баҳт-саодат келтиради, деб ишонтирадилар. Гўё жамият манфаатини ўйлаб қилинадиган ана шундай ислоҳотлар уларга вақтингчалик обрў-эътибор олиб келди. Аммо, шундай раҳбарлар яхшилик қилмоқчи бўлган одамлар бундан ҳеч қандай манфаат кўрмайди, чунки уларнинг қилган хайрли ишлари вақтингчалик аҳамиятга эга.

Жамият баҳт-саодати учун қилинадиган ундан ишларнинг барчаси бемаъни, бефойда ишлардир. Бунинг устига, шундай йўлбошчилар кўрсатган йўлдан бориб, уларнинг издошлари ҳам ҳаётда тобора кўпроқ мусибатларга дучор бўладилар. Агар бир кўзи ожиз одам иккинчи кўзи ожизга йўл кўрсатса, уларнинг иккovi ҳам албатта чуқурга куладилар. Руҳий илмга эга бўлмаган киши кўзи кўр одамга ўхшайди; шунинг учун бошқаларни ёруғликка олиб чиқиш учун аввало унинг ўзининг кўзи очиқ бўлиши керак.

Хиндистонда тугилган ҳар бир киши жаҳондаги бошқа одамларга мангу баҳт-саодат йўлини кўрсатиш имкониятига эга, чунки илоҳий илмнинг энг бой манбалари айнан Хиндистон заминидаги сақланиб қолган.

Бхаратаваршанинг (Ҳиндистоннинг қадимий номи) табаррук авлиё ва донишмандлари ҳеч қачон фақат танаси ва ақлининг талабларини қондириш учун яшаш билан қаноатланиб қолмаганлар; улар ҳамиша тана ва ақла нисбатан илохий бўлган рух ҳақидаги илмларини ривожлантиришга интилиб яшаганлар. Шунча қийинчиликларга қарамай, ҳатто ҳозирги даврда ҳам Ҳиндистоннинг авлиё донишмандлари шу илмни ривожлантиришда давом этяптилар. Лекин, эзгулик қилиш йўлида бошқаларга баҳт олиб келишга уринишдан аввал, агар уларнинг ўзлари шу илохий илмни тўлиқ эгаллаб олмасалар, хиндистонликлар учун бу ўта кетган аҳмоқлик бўлади.

Рұхий илм эгаллашга интилаётган ҳар бир одам биринчи навбатда шуни тушуниб олиши керакки, рух - бу мангур, мутлақ ҳақиқат бўлган мавжудликдир. Рұхнинг ташқи қобиклари - тана ва ақл - мутлақ бўлмаган, ўткинчи, нисбий ҳақиқатлар. "Бҳагавад Гита"нинг иккинчи бобида Худо Шахси буни батафсил тушунтириб беради:

"Бутун танани қамраб олган рух мангур. Ўзгармас рухни ҳеч ким яксон қила олмайди. Гарчи моддий тана ўткинчи бўлса ҳам, шу тана ичидан мавжуд бўлган рух ҳамиша тирик, мангур... шу мангур ҳақиқатни билиб ол-да, жангга кир, эй Бхарат авлоди!"

"Рұхни ўлдириш мумкин, ёки рух ўлдириши мумкин деб ўйлайдиган одам адашади, чунки рух ўлдирмайди ва ўлмайди. Рух ҳеч қачон туғилмаган ва ўлмайди. У мангур бўлгани сабабли ўтмиш, ҳозир, келажак тушунчалари унга бегона. У - энг қадимий ва айни пайтда мангур навқирон, тана ҳалок бўлганда рух ўлмайди. Рұхнинг мангур ва ўзгармас эканини тушунган одам қандай қилиб бировга азоб бериши ёки бировни ўлдириши мумкин? Фақат тана ва ақлдан иборат бўлган ташки қатлам ҳалок бўлади, холос".

"Тана ва ақл кийимга ўхшайди. Худди одам эски кийимини ечиб, янги кийим кийгани сингари, рух ҳам эски танаси ҳалок бўлгандан кейин янги танага киради."

"Рұхни ҳеч қандай қурол билан янчиб, оловда қуидириб, сувда чўқтириб, шамолда қуритиб бўлмайди. Рух ўзгармас, у на оловда, на сувда ва на ҳавода ҳалокатга учрамайди. У бир хил, мангур, ҳамма ерда мавжуд. Рұхни тўлиқ таърифлаб ёки ақл ёрдамида тўлиқ англаб бўлмайди. Шуни билган ҳолда, рух бир танани тарқ этиб кетгани учун изтироб чекишнинг хожати йўқ."

"Бҳагавад Гита"да тана ва ақл "кшетра", яъни "фаолият кўрсатиш майдони" деб, рух эса "кшетра-гря", яъни "фаолият майдонини биладиган зот" деб кўрсатилган. "Бҳагавад Гита"нинг ўн учинчи бобида Парвардигор Кришна кшетра ва кшетра-грянинг нима эканини, шунингдек, *пракрити*(табиат, ёки лаззатланиш учун мўлжалланган

моддий олам) ва *пуруша*(моддий оламдан лаззатланувчи шахс) ҳақида гапиради. Парвардигор Кришна тушунтириб берадики, бу дунёда қилинадиган ишларнинг ва уларнинг оқибатларининг барчаси табиат(кшетра) билан ундан лаззатланадиган зот(кшетра-гря)нинг ўзаро муносабатларидан иборат. Масалан, шоли - дала ва дехқоннинг ўзаро муносабати натижасида ўсади, бу ерда дала - кшетра, дехқон - кшетрагря. Фарзанд эса лаззатланиш обьекти бўлган - аёл(пракрити) билан ундан лаззатланувчи(*пуруша*) - эркакнинг ўзаро муносабати натижасида юзага келади. Худди шунингдек, бу моддий оламда биз кўриб турган ҳамма нарса фаолият майдони(кшетра) билан шу майдонни биладиган зот(кшетра-гря)нинг ўзаро муносабатлари натижасида юзага келган.

Кшетра-гря - тирик жон, рух, кшетра эса - тирик жон бошқариб турган жонсиз модда, моддий унсурлардир. Физика, химия, биология, астрономия, фармакология, экономика ва шу сингари барча дунёвий фанлар фақат фаолият майдони бўлган кшетрани ўрганадилар. Кшетрагря деб таърифланган, рұхий табиатга эга бўлган "мангу тирик жон"ни эса, илохий, трансцендент, рұхий илм ўрганади. Ҳақиқий илм деганда, ўлик модда(кшетра)ни эмас, балки мангур тирик\_рухни, кшетра-гряни ўрганадиган илмни тушуниш керак. Бу ҳақда биз батафсилроқ тўхталиб ўтамиз, ҳозир таъкидлаб айтмоқчимизки, кшетра-гря(*пуруша*, лаззатланувчи), рух, тирик жон - илм олишнинг асосий обьекти, ҳақиқатан ҳам ўрганиш зарур бўлган зотдир, чунки айнан кшетра-гря, яъни тирик жон моддий тана, ақл ва бошқа унсурлар билан кўшилгандагина фаолият юзага келиб, натижада бошқа нарсалар дунёга келади. Агар жон, рух бўлмаса бу дунёда ҳамма нарса ўлик, харакатсиз бўларди.

Кшетра-гря - бу мангур рух, кшетра эса - вақтинчалик мавжуд моддий унсур. Мана шу ўзгармас ҳақиқат ведавий афоризмларда қуйидагича таърифланган: *браҳма сатіям джаган митхья*, яъни, "Рух - ҳақиқатан ҳам мавжуд, моддий олам эса - унинг соясидир". Моддий олам "ҳақиқий мавжудликнинг сояси" деб кўрсатилган, чунки у мангур эмас: у фақат маълум вақт чегарасида мавжуд бўлади, холос. Барibir, бу олам умуман мавжуд эмас, десак хато бўлади. Ҳар биримизнинг ўткинчи моддий танамиз ва ақлимиз бор, шунинг учун танамиз ва ақлимизнинг мавжудлигини тан олмай бошқаларга кулги бўлишнинг ҳожати йўқ. Лекин барibir тана ва ақлимиз вақтинчалик нарсалар эканини унутмаслигимиз лозим. Тана билан ақлнинг ичидаги жойлашган рух ҳақиқатан ҳам мангур, шунинг учун ҳам рух - ўзгармас, мангур ҳақиқатдир. Мангур рұхни ҳеч ким йўқота олмайди, - биз биринчи навбатда билишимиз лозим бўлган ҳақиқат мана шундан иборат. Мангур рух яхшилик ва ёмонлик, зулм ва раҳмдиллик ҳақидаги дунёвий тасаввурлардан устун туради.

Хозирги кунда бутун дунё бўйлаб одамлар ўзларининг қўпол моддий танаси ва акли учун ҳар хил қулагилклар яратишга интилиб, ҳар хил дунёвий билимларини ошириш билан овора бўлиб юрибдилар. Айни пайтда, тана ва акл ҳақидаги дунёвий илмни ўрганишдан анча муҳимроқ бўлган "руҳ ҳақидаги илм" билан ҳеч ким қизиқмайди. Натижада бутун жаҳон ғоғиллик ботқоғига ботган, бу ҳол ўз навбатида ҳаётда барчага чексиз ташвишлар, азоб-укубат ва ҳар хил қийинчиликлар олиб келяпти. Инсон моддий баҳт билан қанча вақт лаззатлана олади? - Жуда оз вакт. Унда лаззатларга берилиш худди кориннинг очлигига эътибор бермасдан устки кийимни тозалаб ювишга берилиб кетишга ўхшайди. Инсон сифатида бизнинг ҳаётдаги асосий вазифамиз - мангу ҳақиқат - ўзгармас рух, ёки ҳар бир танада мавжуд бўлган тирик жон, тирик мавжудот ҳақидаги илмни ўрганишдан иборат.

Тирик мавжудот бўлган рух - жуда кичик рухий заррача, у ҳатто атомдан ҳам кичкина. Рух ҳақидаги илмни биладиган одамлар бизга унинг ўлчамини тасвирлаб беришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг айтишича, рухнинг ўлчами майда соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига teng. Худди кучли дорининг бир томчиси бутун танага дарров таъсир қилгани сингари, ана шу кичкина рухнинг мавжудлиги ҳам тананинг ҳамма ерида сезилиб туради. Катта танамизнинг хоҳлаган бир жойига бирор нарса текканини дарров сезишимиз унда тирик рухий зарранинг мавжудлигини билдиради. Лекин ана шу рухий зарра - жон танадан чиқиб кетса, тана ўлик ҳисобланади ва кўзгалмас ҳолга келиб қолади. Энди уни ҳатто болта билан чопсангиз ҳам ҳеч нарсани сезмайди.

Сезиб бўлмайдиган даражада кичик бўлган рухий зарра, рух - моддий нарса эмас. Илм-фан шунчалик ривожланган бўлишига қарамай, ҳалигача бирор дунёвий олим моддий унсурлардан бирор тирик нарса яратса олмагани буни тўла тасдиқлайди. Энг буюк олимлар ҳам фақат моддий унсурлар иштирокида моддий илм-фан ютуқларидан фойдаланиб тирик мавжудотни яратиб бўлмаслигини тан олишга мажбур бўлдилар. Моддий унсурлардан яратилган нарсаларнинг барчаси узоққа бормайди, улар яксон бўлиб, емирилиб кетишга маҳкум. Аксинча, рухий зарра емирилмас, мангу табиатга эга, энг аввало бунинг сабаби шундан иборатки, у қандайдир моддий унсурлардан таркиб топган эмас. Олимлар атом бомбаларини яратишни биладилар, аммо тирик рухий зарра яратишга қодир эмаслар.

Хозир замонавий илм-фан ҳамма ерда жуда ривожланиб кетган, аммо, баҳтга қарши бирор машхур олим рухнинг, ҳар бир фаросатли инсон билиши лозим бўлган энг зарур нарсанинг табиатини ўрганишга интилмайди. Мана шу бизнинг энг катта хатоимиз, ғоғиллигимиз, ҳаётда бизнинг умуман начор, ноилож ҳолатда эканлигимиздир.

Танасини заррача рух, жон тарк этиб кетган заҳоти Алрберт Эйнштейн ёки Исаак Ньютоннинг кўп нарсага қодир бўлган мияси бирданига ишдан чиқиб, ишламай колди. Агар мана шу тирик жонни қандайдир физиковий ёки химиявий усуллар ёрдамида қайта тиклашнинг иложи бўлганда эди, буюк олимларнинг шогирдларидан бирортаси уларни ҳаётга қайтарган бўларди. Лекин рухий заррани яратиша дунёвий олимларнинг ҳеч қандай усули кўл келмайди. Келажакда бунга эришамиз, деб даъво қилаётган олимлар энг катта аҳмоқ ва нодон одамлардир. Рух мангу. У ҳеч қачон туғилмайди ва ҳеч қачон ўлмайди, шунинг учун уни яратишнинг иложи йўқ. Охир-оқибатда бизлар ҳар биримиз ўзимизнинг ҳаётий тажрибамиздан яхши биламизки, инсон яратган нарсаларнинг ҳаммаси эртами-кечми барибир емирилиб йўқ бўлиб кетади. Рухнинг мангулиги уни ҳеч қандай моддий усуллар билан яратиб бўлмаслиги билан ҳам исботланади.

"Рухий заррани ўлдириш мумкин" деб ҳисоблайдиган одамлар ҳам унинг табиатини билмасликлари сабабли ғафлатдаги одамлар ҳисобланадилар. Шунинг учун Парвардигор Шри Кришна таъкидлаб айтяптики, рухий, илоҳий табиатга эга бўлган тирик мавжудот ҳеч қачон туғилмаган ва ҳеч қачон ўлмайди. Рух мангу, унинг на аввали, на ҳозири ва на ниҳояси йўқ. Рухни яксон қилиб, йўқотиб бўлмайди - у моддий тана ҳалок бўлгандан кейин ҳам мавжудлигича қолаверади. Чексиз туғилиб-ўлишлар орқали ўтиб юргани билан рух каттайиб ҳам кетмайди, кичрайиб ҳам қолмайди. Гарчи тирик мавжудотни "энг қадимиј зот" деб атасалар ҳам, у ҳамиша навқирон, ёш. Рух емирилиш ва ўлишга маҳкум бўлган тана ва ақлдан бутунлай фарқ қиласди.

Шунинг учун рухий илмга эга бўлган инсон ҳеч қачон бирор тирик мавжудотни ўлдиришга уринмайди, бошқаларни ҳам бировни ўлдиришга ундамайди. У ҳолда, нима сабабдан Аржун Курукшетрадаги жангда иштирок этди? Бу саволга жавоб қуидаги: Жангчининг бурчини бажариш фақат танага тааллукли бўлган фаолиятдир. Худди яхши таом рухни эмас, фақат қоринни қаноатлантиргани сингари, ҳар қандай уруш ёки бошқа тарихий воқеаларда бўлиб ўтадиган ишлар ҳам фақат тананинг фаолияти бўлиб, рухнинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ўткинчи модда мангу рухга таъсир қила олмайди, чунки рухий заррача бўлган жон, яъни рух, емирилмас ва у на ўтда, на сувда ва на ҳавода ҳалокатга учрамайди.Faқат моддий нарсаларни қурол билан янчиш, ўтда ёкиш, сувда чўқтириш ёки шамолда куритиш мумкин. Моддий нарсаларнинг сифатларини рухга нисбатан шу тартибда инкор қилиб кўрсатиш бизга рухнинг, яъни тирик мавжудотнинг табиати ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради.

Хиндистондаги санатана-дхарма, яъни "мангу дин" деб аталаидиган таълимот мана шу ўзгармас, ҳамма ерда мавжуд, емирилмас мангу руҳий зарра, тирик мавжудот учун мўлжалланган. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқий руҳий илм, Ҳақиқат илми, кўпол моддий тана ёки нафис моддий унсур бўлган ақлни назарда тутадиган ҳар қандай диний эътиқодларга нисбатан бутунлай илоҳий бўлган илмдир. Санатана-дхарма, мангу, ҳақиқий дин, бирор миллат, давлат ёки вақт билан чегараланиб қолмайди. У ҳамма ерда ва ҳамма учун бир. Санатана-дхармадан ўзга таълимотни "ҳақиқий дин" деб тарғибот килувчи ҳар қандай дин факат ўткинчи тана ва ақлга тегишли бўлган ўткинчи таълимотлардир.

Туғилган жойимиз, миллатимиз ва давримизга қараб биз ўзимизни индус, рус, мусулмон, масиҳий, буддист, коммунист ва бошқа нарсалар деб атаймиз. Биз айниқса соҳта динлар яратиш бўйича жуда илгарилааб кетдик: бирор миллатга, давлатга ёки даврга мансублигимизга қараб жуда кўп диний оқимлар, эътиқодлар, таълимотлар ўйлаб чиқара бошладик, ғоғиллигимиз сабабли ҳақиқий динни ўзгартириш мумкин деб ўйлаймиз. Бугун ўзини индус деб юрган киши эртага мусулмон бўлиши, мусулмон одам масиҳий бўлиши мумкин. Лекин, одамлар ҳақиқий руҳий илмга эга бўлсагина, тирик мавжудотнинг, яъни мангу руҳнинг мангу дини бўлган ўзгармас санатана-дхармани тўлиқ англаб етсаларгина ҳаётда осойишталикка эришиб, инсоният бутун жаҳонда гуллаб яшнаб, баҳтиёр ҳаёт кечира бошлайди. Санатана-дхарманинг асл моҳияти ҳар бир одамга бориб етмагунча бундай мақсадга эришиб бўлмайди.

Рух жуда кичкина ва уни моддий кўз билан кўриб бўлмайди, шунинг учун уни "сирли ва англаб бўлмас" деб хисоблайдилар. Бунинг устига у мангу, чунки моддий ҳаётга мансуб бўлган туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик сингари ўзгаришларга мубтало бўлмайди. Демак, ана шундай азоб-уқубатлардан қутулиш ва ҳақиқий осойишталикка, ҳақиқий баҳтга эришиш учун - ҳамма ерда рух ҳақидаги илоҳий илмни, руҳнинг мангу амали бўлган санатана-дхармани тарғибот қилиш керак. Мангу дин, Ҳақиқат илми, руҳий илм ҳеч қандай миллат, давлат ёки замон билан чегараланиб қолмайди. Бу илоҳий илм бутун инсоният илмидир.

## Карма-йога - руҳий бойлик келтирадиган фаолият

Жаҳондаги энг қадими мукаддас битиклар хисобланадиган Ведаларни яхши биладиган донишмандларнинг айтишларига караганда, тирик мавжудот узоқ йиллар давом этадиган эволюцион ривожланиш натижасида жуда кўп туғилиб-ўлишлар орқали ўтгандан кейин, "мукаддас Бхаратаварша" деб аталаидиган Хиндистон заминида инсон бўлиб туғилиш баҳтига мұяссар бўларкан. Бутун борлиқда тирик мавжудотларнинг 8.400.000 биологик тури мавжуд. Улардан 900.000 тури сувда яшайдиган мавжудотлар, 2.000.000 тури дараҳт ва ўсимликлар сингари қўзғалмас тирик мавжудотлар, 1.100.000 турли микроб ва ҳашаротлар, 1.000.000 тури қушлар, 3.000.000 тури ҳайвонот олами ва 400.000 тури эса инсон танасидаги тирик мавжудотлардир. Рух мана шу таналарнинг биридан иккинчисига ўтиб, чексиз моддий олам бўйлаб миллионлаган йиллар мобайнида сарсон бўлиб туғилиб-ўлиб юради. Шу сабабли руҳни ҳамма ерда мавжуд деб атайдилар.

"Шри Чайтанря-чаритамrita" мукаддас китобида ёзилганки, узоқ йиллар моддий олам бўйлаб адашиб юриб, ниҳоят мукаддас Бхаратаварша заминида туғилган ҳар бир инсон аввало ўзи руҳий илм ўрганиб, ғоғиллик иллатидан кутулганидан сўнг, жаҳоннинг бошқа халқларига ана шу нодир илмни ўргатиб, уларнинг мангу баҳт-саодатга эришишига ёрдам бериши лозим. Жаҳонда Хиндистондан бошқа ҳеч бир мамлакатда буюк донишмандлар рух ҳақидаги илмни ўрганиш учун шунчалик куч сарфламаганлар. Гарбий давлатлардаги олимлар тана ва ақлни ўрганиш билан шуғулланадиган моддий, дунёвий илмни ривожлантиришда катта ютуқларга эришган. Яна шуниси ҳам эътиборга лойиқки, дунёвий илмлар шунчайк ривожланганига қарамай, гарбий давлатлардаги одамларнинг аксарият кўпчилиги дунёвийлик, ҳиссиётсизлик, маънавиятсизликнинг даҳшатли оқибатларидан кўпроқ азият чекяптилар, чунки улар рух ҳақидаги илмга етарли эътибор бермаяптилар. Шунинг учун, бутун дунё одамлари Худонинг илоҳий хабарини эшига олишлари учун, гарбий давлатлардаги буюк олим ва донишмандлар ҳам Хиндистоннинг руҳий бойликларига мурожаат килишлари керак.

Жаҳонда ловуллаб ёнаётган моддийлик оловини ўчириш ва одамларнинг азоб-уқубатларини енгиллатиш учун Парвардигор Шри Кришна "Бҳагавад Гита"да *карма-йога* - руҳий бойлик келтирадиган фаолият қандай бўлиши лозимлигини батафсил тушунтириб берган. Моддий бойлик келтирадиган фаолият билан руҳий бойлик келтирадиган фаолият орасида жуда катта фарқ бор. Парвардигор "Бҳагавад Гита"да бир неча марта *буддха-йога* ҳакида гапириб ўтади. Буддха-йога - чукур тафаккурнинг хulosаси асосида амалга ошириладиган ва руҳий натижаларга олиб келадиган фаолиятдир. Буддхи-йога "Худога илоҳий муҳаббат билан садоқатли хизмат қилиш" деб ҳам аталади. Чунки Парвардигор айтадики, Ўзининг чексиз марҳамати билан содиклари Унга бу дунёда ҳам хизмат қилиш ва умрининг охирида Худонинг даргоҳига эришиш имкониятига эга бўлишлари учун уларга чукур тафаккур ато этади. Худонинг даргоҳига факат Унга садоқат билан хизмат қилиш натижасидагина эришиш мумкинлигини бошқа барча муқаддас китоблар ҳам тасдиқлайди.

Шундай қилиб, инсон ўзининг қилмишлари оқибати(карма)дан умрини фақат руҳий натижалар келтирадиган онгли фаолият - буддхи-йога, яъни карма-йога билан шуғулланишга бағишлиш йўли билангина халос бўлиши мумкин.

"Бҳагавад Гита"нинг иккинчи бобида Кришна шундай деган эди: "Шундай қилиб, Мен сенга руҳий илм сирларини очиб бердим. Энди сенга руҳий натижалар келтирадиган фаолият ҳакида гапириб бераман. Бу фаолият билан шуғулланиб, сен моддий фаолиятинг оқибатида келадиган тутқунлик азобидан халос бўласан. Бу йўлдан боргандар ҳеч қачон пушаймон бўлмайдилар. Бу йўлда қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонни ҳаётда энг катта мусибатлардан қутқариб қолади".

Худога садоқат билан хизмат қилиш - руҳий натижа берадиган ягона фаолиятдир. "Бҳагавад Гита" қандай қилиб ана шундай фаолиятни кундалик турмуш вазифаларини бажариш билан бирга олиб бориш мумкинлигини тушунтириб беради. Кундалик турмуш вазифаларини Худога холис хизмат қилиш билан бирга олиб бориш ведалар тилида *карма-йога* деб аталади. Агар Худога хизмат қилиш Худо ҳакидаги илмни фалсафий жиҳатдан чукур ўрганиш билан бирга олиб борилса, бу фаолият *гряна-йога* деб аталади. Агар Худога садоқатли хизмат қилиш жараёни кундалик турмуш вазифаларидан ҳам, чукур илм олишдан ҳам юқорироқ погонага кўтарилса, ундан фаолият Худога соғ илоҳий садоқат билан хизмат қилиш, яъни *бҳакти-йога* деб аталади.

Бизнинг ҳаётда қилаётган ҳар қандай ҳаракатимиз албатта қандайдир натижа беради. Қилаётган ишларимизнинг натижасига қараб биз бошқа ҳаракатлар қиласиз, улар яна қандайдир натижа беради ва хоказо. Шу тариқа бизларнинг қилган ишларимизнинг ҳар хил

натижалари кун сайин ортиб бораверади. Биз ўз фаолиятимиз натижаларидан таркиб топган ана шу катта дарахтнинг ҳар хил меваларидан тотиб, шохдан-шохга ўтиб юраверамиз. Умрлар оша руҳ ўзининг қилмишлари оқибатида бу моддий оламда тутқун бўлиб қолаверади. У ҳар гал 8.400.000 турли таналарнинг бирида тугилиб, шу танага хос бўлган қувонч ва шодликлардан лаззатланиб, азоб-уқубатлардан қийналиб моддий оламда сарсон бўлиб юраверади.

Моддий фаолият ва унинг натижалари чангалидан кутулишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Ҳатто ҳар қандай фаолиятдан воз кечиб, таркидунё қилган саннрэси ҳам, ҳеч бўлмаса кун кўриши учун бирор ҳаракат қилишга мажбур. Бир сўз билан айтганда фаолиятдан умуман, биратўла воз кечишнинг иложи йўқ - ҳар қандай тирик одам бирор иш билан албатта машғул бўлади.

Шунинг учун Парвардигор Шри Кришна Аржунга шундай дейди: "Эй Аржун, сен ҳамиша ўз бурчингни бажар. Бирор фаолият билан машғул бўлиш - ҳеч иш қилмай бекор ўтиргандан афзал. Ўз бурчингни бажаришдан бош тортсанг, сен кун кўролмай қоласан".

Инсоннинг ҳаётдаги бурчи ва вазифаси деганда унинг муқаддас китобларда қўрсатилган бурч ва вазифаларини тушуниш керак. Таркидунё қилган ёки сеҳрли-йога билан шуғулланаётган одамга ўҳшаб кўзбўямачилик қилгандан кўра, инсон ҳаётда муқаддас китобларда қўрсатилган ўз бурчини ҳалол бажариб яшагани маъкул. Таркидунё қилган кишининг кийимини кийиб, тириклик қилиш учун тиланчилик қилиб юргандан кўра кўча супуриб бўлса ҳам ҳалол меҳнат билан тириклик қилган яхши. Буюк файласуф-донишманд ва дин ислоҳотчиси Шанкарачарря бизга ана шундай насиҳат қолдириб кетган. Уруш-жанжаллар, иккюзламачилик, кўзбўямачилик авж олган хозирги даврда инсон муқаддас китобларда ўзи учун белгиланган бурч ва вазифаларни виждан билан бажариб яшашни таркидунё қилиб қилишдан устун кўйиши керак. Ҳақиқий таркидунё қилган одамлар ҳеч қачон ўзининг жамиятдаги бурчини бажаришдан бош тортмайди, чунки бу жуда даҳшатли оқибатларга олиб келишини яхши тушунади. Агар ҳар қандай фаолиятни тарк этадиган бўлсак, ҳаёт учун энг зарур бўлган эҳтиёжларимизни қондира олмай қолишимиз аниқ бўлса, қандай қилиб ҳаётда ўз бурчимизни бажаришдан воз кечишимиз мумкин? Айни пайтда шуни унутмаслик керакки, қилаётган ҳар бир ишимиз ва\_уларнинг оқибатлари бизнинг умрлар оша бу моддий оламда тутқун бўлиб қолишимизга сабаб бўлади.

Ана шу чигал жумбоқни ечиш учун Парвардигор Шри Кришна бизга шундай маслаҳат беради: "Инсон ҳаётда ўз бурчини Мутлақ Ҳақиқатни, ягона Парвардигорни рози қилиш учун бажариб яшashi лозим. Бошқа ниятда қилинган ҳар қандай фаолиятнинг оқибатлари

рухни тутқунликка маҳкум этади. Ўз меҳнатининг натижаларини Худога бағишилаган киши эса моддий олам тутқунлигидан озод бўлади".

Оқибати моддий оламда тутқун бўлиб қолишга олиб келмайдиган фаолият карма-йога деб аталади. Карма-йога руҳий натижаларга олиб келади. Карма-йога билан шугулланиш одамга дунёвий фаолият оқибатидан халос бўлиш имконини берибгина қолмасдан, унинг қалбида Худога бўлган садоқатни, илоҳий муҳаббатни ҳам кучайтиради. Инсон ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш ўрнига, уларни Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат килиш йўлида ишлатиши лозим. Бу - Худога холис хизмат қилишнинг биринчи босқичи. Холис хизмат қилишнинг бу усулини Шри Чайтанря Махапрабху Праяга шаҳрида Даشاшвамедхагхата ёнида Шрила Рупа Госвамига тушунтириб берган эди. Парвардигор Чайтанря айтган эдики, факат жуда нодир, алоҳида омад кулиб боқсан, энг баҳти одамгина Парвардигорнинг ва руҳий устозининг марҳамати билан Худога садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий муҳаббатга тўла уруғини олиши мумкин. Карма-йога Худога садоқат билан хизмат қилишнинг биринчи поғонасиdir. Худо Шахси одамларга бу илмни Ўзи ёки Ўзининг содиклари, ишончли вакиллари орқали аён этади. Қандайдир бошқа манбалардан илм олиб юрган одамлар карма-йоганинг маъносини тўғри тушуна олмайдилар. Ўзларини карма-йога илмининг билимдони деб юрган кўпчилик одамлар ана шундай адашган одамлардир.

Тирикчилик қилиш учун биз пул топишга мажбурмиз. Кейин, топган пулимизни яшаш учун зарур бўлган нарсаларга - кўпинча озиқ-овқатга сарфлаймиз. Агар биз етарли овқат емасак танамиз ишдан чиқади, танамиз ишдан чиқса тирикчилик қилишга пул тополмай қоламиз. Шу тарзда дунёвий фаолиятнинг алдамчи чархпалаги юзага келади, унга тушиб қолган тирик мавжудотлар моддий оламда сарсон бўлиб юраверади. Биз моддий тирикчилик чархпалагида жуда қадим замонлардан бери адашиб юрибмиз ва унда ўткинчи, сароб бўлиб кўринадиган алдамчи баҳт изидан қувиб, ҳамиша азоб чекамиз. Сунъий равища ўзини бу моддий оламда лаззатланувчи ўрнига кўйиб, қудратли Парвардигорнинг хошиш-иродасини назарга илмасдан, тирик мавжудот, яъни руҳ умрлар оша мангубаҳтга интилиб келади, лекин ана шу мангубаҳтни қаердан излаш кераклигини билмайди. Бу ҳақда буюк содик Прахлада Махараж шундай деган эди: "Факат ҳар нарсага қодир бўлган қудратли Парвардигор Вишнунинг даргоҳига эришган руҳгина энг олий саодатга, мангубаҳтга эришиши мумкинлигини ҳеч ким билмайди".

Ўзимиз учун энг олий баҳт-саодат нима эканини билмасдан, биз умрлар оша моддий тириклик уммонида алданиб, адашиб юрибмиз. Ўз қилмишларимиз ва уларнинг оқибатлари тўлқинида сузуб юрар эканмиз, бу хатарли саёҳат бизга канчалик мусибатлар келтиришини ҳам

билмаймиз. Бу саёҳатимизнинг, адашиб юришларимизнинг охириги мақсади Мутлак Ҳақиқат, Вишну, ягона Парвардигор эканини тушуни олишимиз лозим. Шри Кришна бу ҳақиқатни шундай тасдиқлайди: "Ҳар қандай фаолият Вишнуни, ягона Худони рози қилиш учун амалга оширилиши керак". "Риг-веда" ҳам шуни тасдиқлайди: "Вишну - энг олий Илоҳ, шунинг учун барча фаришталар нигоҳини Унга ва Унинг нилуфар қадамлари пойига тикадилар". Ведаларни, яъни Муқаддас китобларни ягона Парвардигорнинг Ўзи нозил қилган. Демак, Худонинг Ўзи айтган "Бҳагавад Гита" барча муқаддас китобларнинг мағзи бўлиб, бизга уларнинг асл маъносини, якуний мақсадини тушунтириб беради, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, агар биз ўзимизнинг моддий фаолиятимиз оқибатларидан биратўла қутулишни истасак, ҳар бир ишимизни Парвардигор Вишнуни, Худони рози қилиш учун бажаришимиз лозим.

Қадимда Ҳиндистонда яшайдиган халқлар(уларни ҳозир индуслар деб айтадилар, бу нотўғри)нинг ҳаммаси варнашрама-дхарма ёки санатана-дхарма қоидаларига амал қилиб яшаганлар. Санатана-дхарма жамиятнинг ижтимоий тизими бўлиб, унга асосан жамиятдаги одамлар тўрт табақа ва тўрт турли турмуш тарзига бўлинган. Жамиятнинг юқори табақасига мансуб бўлган браҳман(зиёли)лар, кшатрий(жангчи ва хукмдор)лар ва вайшря(савдогар ва ер эгалари)лар турмушда вайшнавизм қоидаларига тўлиқ амал қилиб яшаганлар, яъни уларнинг ҳаётдаги бутун фаолияти Худо Шахсини, Парвардигор Вишнуни рози қилишга қаратилган. Ҳаётда руҳий юксалишининг ҳар бир босқичида улар вайшнавизм қоидаларига амал қилиб яшаган. Инсоннинг умри тўрт турли турмуш тарзи орқали ўтган: шогирдлик(браҳмачария) даври, оилавий ҳаёт(грихастха), оилавий ишлардан четлашиш(ванапрастха) ва таркидунёлик(саннийаси). Улар ана шу ҳаёт босқичларининг барчасида Худога сигиниш учун хизмат қилиб яшаганлар. Бу қоидага айниқса браҳманлар қатъий риоя қилган. Ҳатто ҳозирги пайтда ҳам ана шундай браҳманларнинг авлодлари оилавий Илоҳ қўринишида Парвардигор Вишнуга сигинадилар.

Руҳий жиҳатдан юксак ривожланган бундай комил инсонлар ўзларининг турмушдаги бутун фаолиятини Худога бағишилаганлар. Улар ўзларининг қобилиятига яраша пул топган ва топган пулларини Худога сигиниш учун сарфлаган. Улар озиқ-овқат сотиб олиб Худога, Парвардигор Вишнуга таклиф қилиш учун таом тайёрлаганлар. Таом курбонлик сифатида Худога, Парвардигор Вишнуга таклиф қилингандан кейин прасадам, яъни "Худонинг марҳамати"га айланади. Парвардигор қолдирган овқат қолдиги, табаррук сарқити бўлган прасадамни ҳар ким тўйганча ейиши мумкин. Агар қадимда мавжуд бўлган шундай улуғвор

урф-одатлар ҳозир ҳам қаердадир сақланиб қолган бўлса, демак уларни бутун инсоният бўйлаб қайта тиклаш мумкин. Бунда факат ҳар бир давлатнинг, ҳалқнинг ва замоннинг шароитини ҳисобга олиш керак, холос. Шунда жаҳонда яшаётган ҳар бир одам моддий фаолият тутқунлигидан қутулиш имкониятига эга бўлади.

Буюк донишмандларнинг айтишларига кўра, Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига эришиш - озодликка чиқиш демакдир. Биз руҳий табиатга бўлган Худо Шахси, Парвардигор Вишнунинг ҳиссиятларини лаззатлантириш, яъни Худони рози қилиш билан ўзимизнинг ҳам барча эҳтиёжимизни қондирамиз. Айни пайтда карма-йоганинг энг олий мақсадига эришамиз. Лекин, ҳаётда ўз бурчимизни бажара туриб, Парвардигор Вишнуни рози қилмасак, бизнинг ҳар қандай фаолиятимиз факат заҳарли моддий натижаларга олиб келади ва охир-оқибатда бутун жаҳон пала-партишилкка, ғафлат уммонига ғарқ бўлади. Ҳаётда Худони рози қилиш учунгина ҳаракат қилиб, Парвардигор қолдирган табаррук овқат қолдикларидан овқатланиб кун кечириб, ўзимизнинг муқаддас бурчимизни бажариб яшаш шарофати билан қилган барча гуноҳларимиз оқибатидан биратўла ҳолос бўла оламиз.

Биз ўзимизни гуноҳ қилишдан ва уларнинг оқибатидан ҳимоя қилишга қанчалик уринмайлик, ҳатто ҳаётда факат ўз бурчимизни бажариб юрган бўлсак ҳам, барибир қандайдир гуноҳ ишлар қилиб қўйишга мажбурмиз. Масалан, савдогар пул топиш учун харидорларга ёлғон гапиришга мажбур бўлади, ҳуқуқшуносларнинг қанчалик ёлғон гапиришларини айтмаса ҳам бўлади. Ўз мухлисини "қонуний йўл билан" оқлаш, ҳимоя қилиш учун улар қанчалик маккорликларга қўл уришга мажбур бўладилар-а! Бошқа касблар ҳам шундай. Инсон барибир билиб-бilmай ҳар хил гуноҳ ишлар қилиб қўяди, улар эса келажакда албатта унинг турли мусибат ва қийинчиликларга дуч келишига сабаб бўлади.

Худонинг содиқ хизматкорлари, вайшнавлар ҳаётда ҳеч қандай гуноҳ қилиб қўймасликка ҳаракат қилиб яшашлари керак. Ҳеч қандай гуноҳ қилиб қўймаслик учун қўллимиздан келган ҳамма ишни қилсан ҳам, ўзимиз сезмаган ҳолда, масалан йўлда кетаётib ҳам, қанча майда жониворларни босиб ўлдириб қўямиз. Сув ичаётганимизда жуда кўп микроорганизмларнинг ҳалокатига сабабчи бўламиз. Хонани артаётганимизда, овқатланаётганимизда, ухлаганимизда ҳам шундай ҳолатлар бўлади. Шундай экан, қундалик ишларимизда ўзимиз билмаган ҳолда албатта қандайдир гуноҳ ишлар содир қилиб қўямиз.

Жамият қонунига кўра қотилга ўлим жазоси берилиши керак, аммо бирор жониворни ўлдириган одамга ўлим жазоси берилмайди. Худонинг қонунларига кўра ҳар қандай жониворни ўлдириш ҳам, худди одамни ўлдиришдай гуноҳ ҳисобланади. Шунинг учун биз Худонинг олдида одам ўлдирганимиз учун ҳам, бошқа жониворларни ўлдирганимиз

учун ҳам албатта жавоб берамиз. Одамлар Худонинг ва Унинг қонунларининг мавжуд эканига ишонмасликлари, қилган гуноҳлари оқибатида бошига тушиб турган шунча азоб-уқубатлардан хулоса чиқариб олмай, гуноҳ қилишда давом этаверишлари мумкин. Лекин улар ишонмагани учун Худо ҳам Унинг қонунлари ҳам ҳеч қаерга йўқолиб кетмайди.

"Смрити" деб аталадиган мукаддас китобларда ҳар биримиз билмаган ҳолда содир қилишимиз мумкин бўлган гуноҳларнинг беш тури кўрсатилган: 1. соч тараётганда; 2. Танамизни артаётганда; 3. Ўт ёқаётганда; сув қуяётганда; 5. Хонани тозалаётганда турли ҳашаротларни ўлдириб қўйиш билан қилинадиган гуноҳлар. Агар биз гуноҳ қилмасликка қанчалик ҳаракат қилсан ҳам, барибир мана шу беш турли гуноҳни содир қилишга мажбурмиз, бунга шубҳа йўқ. Билмасдан қилган гуноҳ ишларимиз оқибатидан ҳолос бўлиш учун биз ҳамиша аввал Худога, Парвардигор Вишнуга таклиф қилинган таомдан истемол қилиб яшшимиз лозим. Шунинг учун ҳам санатана-дҳарма қоидаларига изчил амал қиладиган браҳманларнинг хонадонларида ҳалигача Парвардигор Вишнуга сигиниб келадилар. Парвардигорга тақдим қилиш учун эмас, факат ўзлари лаззатланиш учунгина таом тайёрлайдиган одамларнинг ҳаммаси, баҳтга қарши, қундалик турмушида ўзлари билиб ёки билмай содир қилган барча гуноҳлари учун келажакда албатта жазо оладилар.

Шунинг учун давлат раҳбарлари ва жамоат арбоблари албатта Худони рози қиладиган ишларни кўпроқ қилишга ҳаракат қилишлари лозим, шунда қилаётган ишлари уларнинг ўзларига ҳам, уларга эргашаётган фуқароларга ҳам катта баҳт-саодат келтиради. Парвардигор Шри Кришна Аржунга шундай дейди: "Буюк инсон қандай иш қилса, оддий одамлар ундан ўrnak оладилар. Улар нимани ҳакиқат деб айтсалар, бошқалар эътиroz билдиримасдан шуни қабул қиладилар". Шунинг учун жамият раҳбарлари ўз бурчларини Парвардигор рози бўладиган даражада ҳалол бажариш билан жамият фуқароларига ўrnak кўрсатиб яшashi керак.

Лекин, афсуски ҳозир биз қалбининг тўрида ҳакиқий имонсиз даҳрий, атеист бўлган ва Худонинг қонунларини тан олмайдиган виждансиз раҳбарлар содда одамларга йўлбошчилик қилаётган замонда яшаяпмиз. Шундай одамлар Худони, Парвардигор Вишнуни мамнун қила оларми? Агар улар Худонинг илоҳий ҳиссиятларини қаноатлантира олмаса, қандай қилиб улар ҳаммийт оқибатидан бораётган оддий одамлар қундалик турмушда қилган гуноҳлари оқибатидан қутула оладилар? Агар жамият раҳбарлари Парвардигор Вишнуни, бир вақтнинг ўзида ҳам илоҳий Худо Шахси, ҳам бутун оламни қамраб олган Олий Рух бўлган ягона Парвардигорни тан олмасалар, улар бошқараётган оддий одамлар Худо ҳакида нимани ҳам билардилар? Парвардигор Вишну - бутун

борлиқнинг ягона хукмдори, шунинг учун қанчалик буюк бўлишидан катъий назар, ҳеч ким бутун моддий табиатнинг ҳаммасидан лаззатлана олмайди. Бизлар барчамиз ҳар нарсага қодир бўлган Худо Шахсига, Парвардигор Вишнуга қарам бўлганимиз учун, Ўзининг чексиз марҳамати билан Парвардигор бизга ризқ қилиб бериб қўйган нарсалар билан қаноатланиб яшшимиз лозим. Биз Худонинг ёки бошқа бировнинг мулки бўлган нарсага эгалик килишга ҳаракат қилмаслигимиз керак. Вайшнавларнинг ҳаёт ҳақидаги дунёкарашлари, кундалик турмушда амал қилиб яшайдиган қонунлари ана шундай.

"Ишопанишад"да шундай дейилади: "Оlamдаги ҳамма нарса олий лаззатланувчи Зот бўлган Худо Шахси, ягона Парвардигорнинг мулкидир, биз факат ўзимиз учун насиба сифатида ажратиб қўйилган ўз улушимиздангина фойдаланишимиз мумкин. Ҳеч қачон бошқа бировнинг ризкига кўз олайтирмаслик керак".

Сиёсий арбоблар ва жамиятнинг бошқа раҳбарлари ўз фаолиятини Худони, Парвардигор Вишнуни рози қиласидан ишларда мужассам қилиши ва шу тариқа ўзларига ҳам, ҳамкаслари ва қўл остидаги фуқароларга ҳам баҳт-саодат келтиришлари лозим. Агар жамият йўлбошчилари, давлат бошликлари, дин арбоблари ягона Парвардигорнинг инсоният учун яратиб қўйган(вайшнавизм) қонунларига амал қилиш ўрнига ўзлари Парвардигор Вишнунинг ўрнига "Худо бўлиб" ҳаётдан лаззатланишга ҳаракат қиласалар, фақат бойлик, обрў, шон-шуҳрат сингари вақтингчалик нарсаларга эришадилар, ўзларининг ясама таркидунёликлари билан онгиз одамларни йўлдан адаштирадилар. Ундан худобехабар йўлбошчилар, худди саллоҳхонага бораётган қўйлар сингари, ўзларига эргашаётган ғофил мавжудотларга ҳеч қандай ёрдам бера олмайдилар. Ҳукумат тепасида туриб, йўлбошчиларнинг ўзлари қандайдир ўткинчи бойликларга эга бўладилар, аммо уларнинг ғофил издошлари одатта жуда қийин аҳволга тушиб қоладилар. Издошларини бемаъни ўткинчи нарсаларга эришишга даъват қилиб, жамият раҳбарлари фуқароларни ўзлари содир қиласидан гуноҳ ишларга шерик қиласидилар. Улар вақтингчалик бўлса ҳам ўзларини ҳар хил қулийликлар билан таъминлаб олишга интиладилар, аммо қўл остидагиларнинг ҳаёт учун энг зарур бўлган эҳтиёжлари ҳақида ҳам қайғурмай, уларни жуда қийин аҳволга солиб қўядилар.

Ана шундай ақл кўзи кўр раҳбарлар ҳозирги ўткинчи танаси ҳалок бўлган заҳоти умр бўйи қийналиб эришган барча ўткинчи қулийликлари йўқка чиқшини тушунмайдилар. Аммо, бутун умри давомида қиласан гуноҳ ишлари уларнинг ақли, идроки ва сохта ўзлигидан иборат нафис танасида сақланиб қолади. Нафис танаси рух билан бирга бошқа моддий танага ўтганида улар яна моддий фаолият чархпалагига тушиб қоладилар. Шу тариқа улар сон-саноқсиз умрлар давомида бир танадан иккинчи

танага ўтиб, сарсон бўлиб юришга мажбур бўладилар. Оддий одамлар эса, ғофил раҳбарлари даъват қилган гуноҳ ишларни амалга оширишда давом этаверадилар.

Шу боис, жамият раҳбарлари табиатнинг нозик қонунларини, масалан *карма* қонунини яхши билишлари ва қилаётган ишларининг оқибатини яққол кўз олдига келтира олишлари керак. Бу демак, энг аввало ҳукумат бошликлари руҳий натижаларга олиб келадиган кармайога қонунларини ўрганишлари ва уни амалда қўллаб яшашлари лозим. Шундагина улар ўзларига эргашган одамларни ҳақиқий баҳт-саодатга эриштира оладилар. Агар табибининг ўзи бемор бўлса, у қандай қилиб бошқа беморни даволай оларди? Аввал у ўзи даволаниб олиши, кейин бошқаларни даволашга киришиши керак. Бунинг устига табиб беморнинг бемаъни истак-ҳоҳишига эътибор бериб ўтирмаслиги керак. Беморнинг ҳар хил талабларини қондиришнинг ўрнига, унга ёкиш-ёқмаслигидан катъий назар, ҳақиқий, тажрибали табиб беморга унинг соғайиб кетиши учун зарур бўлган барча дориларни буюради. Жамият раҳбарлари шуни яхши тушуниб олишлари лозимки, аксарият одамларнинг асосий касаллиги - уларнинг кудратли Парвардигорга хизмат қилишни истамаслигига. Аммо, раҳбарлар шу касалликнинг асосий сабабчиси бўлган атеизмни, даҳрийликни бартараф қилиш ўрнига, бу касалликнинг алломатларига енгилтаклик билан қарашда давом этаверсалар, ҳозирги кунда оғир мусибатларни бошидан кечираётган инсониятнинг ахволи яна ҳам оғирлашиб кетаверади. Фақат аввал Худо Шахсига таклиф қилинган таом - прасад истеъмол қилиш билан инсониятнинг бу дардининг олдини олиш мумкин, - бундай дардга чалинган беморларнинг ягона парҳези шундан иборат. Бу касалликка қарши дори эса - Парвардигор ҳақидаги хикояларни, Худонинг муқаддас номларини тинглаш ва Уни шарафлаб кўйлаш, Худони эслаб юриш, унинг илоҳий қиёфаларига сажда қилиш, Унга илоҳий хизмат қилиш, Худони энг яхши дўст деб билиш ва ниҳоят ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширишдир. Агар йўлбошчилар ҳақиқатан ҳам одамларни азоб-уқубатлардан ҳолос этишни истасалар, уларга мана шу парҳез ва дориларга амал қилиш имкониятини яратиб беришлари лозим.

Чукур тажрибага эга бўлган буюк донишманд сиёсатчи Махатма Ганди ҳар қандай мақтовга лойиқ зотдир, чунки у бутун жаҳонда инсонларнинг ўзаро муносабатларини руҳий даражага кўтариш ниятида чидамлилик, бағрикенглик, сабр-тоқатлилик, умуминсоний қадриятларга амал қилиш каби эзгу фазилатларни кенг тарғибот қиласиди. Аммо, бениҳоя чексиз бўлган Ҳақиқатни ҳар ким ўзи ўйлаб топган йўл билан англаб етолмайди, чунки биз ўйлаб топган йўлларнинг ҳаммаси чекланган ва номукаммал. Шунинг учун ягона Парвардигор, Шри Кришна "Бҳагавад Гита"да айтадики, ҳақиқий донишманд узок

изланишлардан кейин ўз ихтиёрини биратूла Худога топширади. Ҳамма нарсанинг ягона Парвардигор билан чамбарчас боғлиқ эканини яққол кўра олиш қобилиятига эга бўлган шундай буюк зот - маҳатма ҳаётда камдан-кам учрайди. Бу гапларнинг маъноси шундан иборатки, биз "маҳатма", "буюк зот" деб атаб юрган зотлар ҳар бир халқ орасида учраб турса ҳам, мавжуд оламнинг ҳақиқатан ҳам ягона Парвардигор билан боғлиқлигини мукаммал тушунадиган ҳақиқий буюк зот камдан-кам учрайди.

Шундай буюк зот ҳеч қачон, билишнинг индуктив усулига асосланган, ўзи ўйлаб топган йўллар билан Худога яқинлашишга уринмайди. Бунинг ўрнига у билим олишнинг юқоридан пастга қараган дедуктив усулидан, яъни Худонинг Ўзидан ёки Унинг ҳақиқий вакилларидан илм олинадиган йўлни танлайди. Одам ўзи ўйлаб топган йўллар билан Худони тушунишга қанчалик уринмасин, унинг қилаётган ҳаракатлари, уринишлари ҳеч қачон, ҳеч қандай натижа бермайди. Бундай ҳаракатлар натижасида эришиш мумкин бўлган илм - Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўриниши ҳақидаги номукаммал, тўлиқ бўлмаган илмдир. Бундай илм охир-оқибатда изланувчини Худодан узоқлаштиради, холос.

Гандининг тарғибот қилаётган йўли ҳам ана шундай нуқсонга эга. Гарчи у Худонинг мукаддас Рама номини мунтазам зикр қилиб юрган бўлса ҳам, аслида муқаддас номлар ҳақидаги илохий илмдан бехабар. У Худонинг шахсиятсиз кўринишига сажда қиласди. Бошқача қилиб айтганда, у прр ҳеч қандай сифатларга, шахсий фазилатларга эга эмас, шунинг учун Парвардигор емайди, ичмайди, кўрмайди, эшитмайди деб ўйлади. Мутлақ Ҳақиқатни билишга интилаётган ана шундай имперсонал файласуф Унинг илохий эрмаклари ҳакида ҳеч нарса тушунмасдан, фақат Худонинг шахсиятсиз кўринишини англаб этиши мумкин. "Мутлақ Ҳақиқат илохий ҳиссиётларга эга эмас" деб ўйладиган одамлар Худо Шахсининг қудрати чекланган деб ҳисоблайдилар. Шундай ожиз Худо, албатта ҳеч қачон Ўзига сажда қилаётганларнинг илтижоларини тингламайди ва уларнинг, бутун оламнинг оғирини ҳам енгиллата олмайди.

Фалсафий, эмпирик таҳлил усули билан илм олиш йўли изланувчига моддий нарсалар билан метафизик(илохий) нарсалар орасидаги фарқни кўриш имконини бериши мумкин. Аммо, то одам Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий табиатини англаб етмагунча, Мутлақ Ҳақиқат унга шахс сифатига эга эмасдай бўлиб қолаверади ва бундай тасаввурлар ҳеч қандай сезиларли рухий натижалар олиб келишга қодир эмас. Шунинг учун Маҳатма Ганди сингари йўлбошчилар аввало ўзлари Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий табиатини ёки ҳар ерда мавжуд бўлган

Парвардигор Вишнуни яхши англаб олишлари ва бошқаларни ҳам кармайога қоидалари асосида Худога хизмат қилишга даъват қилишлари лозим. Шундагина улар бутун жамиятга баҳт-саодат олиб келишга қодир бўладилар.

Аксарият одамлар ҳаётда факат моддий танаси ва ақли билан боғлиқ бўлган ишлар билан бутунлай банд бўлиб юрибдилар. Дунёвий фаолиятнинг пастки босқичларида юрган шундай кишилар рухий фаолиятнинг маъносини тушунишлари қийин. Одатда ундан одамлар ҳар қандай ишда омадсизликка учраб юрадилар, чунки уларнинг қилаётган гуноҳ ва савоб ишларининг барчаси ўзларининг танаси ва ақлини ҳар қандай азоб-уқубатлардан халос этиш ҳамда овқатланиш, ухлаш, ҳиссиётларининг талабини қондириш ва ўзини ҳимоя қилишдан иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолишга қаратилган. Ҳозирги замон илмининг башоратчилари бўлган дунёвий материалист олимлар моддий тананинг ҳиссиётига, сезгиларга лаззат олиб келадиган ҳар хил нарсаларни ўйлаб чиқаряптилар. Бу сезгилар - кўриш, эшитиш, хид билиш, тери орқали билиш, таъм билиш, ва ақлдан иборат. Бу ҳолат одамлар орасида моддий баҳт учун бўлган бемаъни курашни келтириб чиқаради ва уларнинг қалбида ракобат, бир-бирига душманлик туйғусини кучайтиради. Ҳамма ерда ҳаёт учун энг зарур бўлган нарсалар: озиқовқат, бошпана ва кийим-бош этишмаслиги сезиляпти ва уларга эришиш учун одамлар орасида бетўхтов низолар чиқиб, бир одамлар бошқа одамларга қарам бўлиб қоляпти. Натижада шунча вактлардан бери одамлар яшаб келаётган, Парвардигор инсонга буюрганидай, "оддий яшаб, улуғвор фикрлаш" билан тириклик қилишга эришиш йўлида тобора кўпроқ тўсиқлар пайдо бўляпти.

Имонсиз ашаддий материалистлардан устун турадиган, ўлгандан кейин ҳаёт давом этишига аниқ ишонадиган одамлар ҳозирги ҳаётида моддий тана ва ҳиссиёти орқали лаззатланиш даражасидан юкорироқ қадриятлар асосида яшашга интиладилар. Худди одам келажакда ишлатиш учун пул жамғарив бўйишга интилгани сингари, ундан одамлар кейинги ҳаётида лаззатланиш имкониятига эга бўлиш учун ҳозирги ҳаётида иложи борича кўпроқ эзгу, савоб ишлар қилишга ҳаракат қиладилар. Лекин улар ҳатто эзгу, савоб ишлар ҳам одамни карма оқибатларидан кутқара олмаслигини билмайдилар. Аввал тушунтирилганидек, эзгу ишлар ҳам, гуноҳ ишлар ҳам одамни сабаб ва оқибатлар, фаолият ва унинг натижаларидан иборат моддий ҳаёт чархпалагига маҳкам бօғлаб қўяди.

Хоҳ гуноҳ ишларга берилган одам бўлсин, хоҳ савоб ишлар қилиб юрган одам бўлсин, материалист одам, карма-йога - рухни моддий фаолият тутқунлигидан кутқаришга қодир бўлган восита эканини тушуна олмайди. Шунинг учун тажрибали карма-йог ташқаридан қараганда

ўзини худди дунёвий одамлардай яшайди, аммо айни пайтда ўз меҳнатининг барча натижаларини Худога бағишилади. Бу билан у бошқаларга кундалик турмуш ишлари билан банд бўлиб юрган ҳолда, айни пайтда сабаб ва оқибатлар туткунлигидан қандай халос бўлиш йўлинин кўрсатади. Унинг бу фаолияти ўзига ҳам, бошқаларга ҳам баҳтсаодат келтиради. "Бҳагавад Гита"да Парвардигор Шри Кришна шундай дейди: "Эй Бхарат авлоди, кундалик ҳаётдаги бурчингни худди илоҳий илмдан бехабар дунёвий одамлардай қилиб бажар, чунки шу йўл билан одамларни карма-йога усулига жалб қилиш мумкин". Илоҳий илмга эга бўлган одам тана ва ақлини сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳамма ишларни фақат Худони, Парвардигор Вишнуни рози қилиш учунгина бажаради. Одамлар ундай илоҳий одамларни оддий одамлардан ажратса олмайди, аслида ундай илоҳий одамлар фақат моддий манфаат учун ишлаб юрган одамдан бутунлай фарқ қиласди: улар - карма-йоглардир, чунки улар руҳий натижа учун меҳнат қиласдилар. Ана шундай руҳий фаолият билан машғул бўлган одамлар табиий равища, ортиқча куч сарфламасдан моддий бойликларга ҳам эга бўлаверадилар.

Хозир биз моддий фаолият чегараларининг мислсиз равища тобора қенгайиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ер юзида завод, фабрика ва касалхона сингари корхоналарнинг сони кун сайин ошиб кетяпти. Аввал ер юзида моддий фаолият бунчалик ривожланмаган эди. Қадим замонларда одамларнинг турмуши оддий, фикрлари - улуғвор, юксак бўлган. Лекин хозир даврди карма-йоглар олдида катта имкониятлар пайдо бўлган: улар замонавий фан ва маданият ютуқларидан Парвардигорга илоҳий хизмат қилишда фойдаланиб, Худони мамнун қилишлари мумкин.

Шу мақсадда - қадим донишмандлар ўргатганидай, карма-йога қоидалари асосида ягона Худога сифиниш учун - ҳар бир завод ва корхонада, шунингдек ҳар бир хонадонда албатта Худонинг, Вишнунинг эҳромлари ташкил қилинган бўлиши керак. Гарчи Парвардигор ўзини ҳар турли илоҳий кўринишларда намоён қилишга қодир бўлса ҳам, илоҳий илм билимдонлари одамларга Худонинг - Шри Шри Лакшми-Нарайана, Шри Шри Сита-Рама ва Шри Шри Радха-Кришна кўринишида намоён бўлган киёфаларига сифинишни тавсия қилганлар. Шунинг учун биз барча завод ва фабрика, шифохона, институт ва меҳмонхона эгаларидан кўл остидаги ишчиларига мана шу илоҳларга сифиниб, Худони рози қилиш имконини бериш учун эҳромлар ташкил қилишларини илтимос қиласмиз. Шунда корхона эгалари ҳам, уларнинг кўл остида ишлаётганлар ҳам карма-йоглар бўлиб, ҳаётда ўзни олий мақсадга эришадилар.

Одатда катта завод ва фабрикаларнинг ишчилари ичиш, чекиши сингари жуда кўп заарли одатларга ўрганиб кетадилар, натижада аста-

секин ҳаёт кечиришнинг энг тубан погоналарига тушиб кетадилар. Лекин, агар уларга аввало Худо Шахси Вишнуга таклиф қилинган таом билан овқатланиш имконияти берилса, вақти келиб уларнинг ҳам қалби покланиб, илоҳий инсонлар, авлиё зотлар даражасига кўтариладилар. Акс ҳолда, уларни қанчалик улуғлаб "ҳазрати инсон"(хариджан) деб атаган билан улар ҳеч қачон, ўз-ўзидан буюк инсонлар даражасига кўтарила олмайдилар. Агар улар Вишнуга, Парвардигорга илоҳий хизмат қилишдан бошқа бирор машғулот билан шуғулланишни истасалар, бундай ишлари учун уларни улуғлашга, кўкларга кўтариб мақташга уриниш факат ортиқча ташвиш келтиради, жамиятнинг тинчлик ва осойишталигини бузади, холос. Ўткинчи, вактинчалик манфаатларни кўзлаб, ишчиларининг заарли одатларини қўллаб-қувватлайдиган раҳбарлар ишчиларга ҳеч қандай манфаат келтира олмайдилар. Ундай бошлиқларнинг ўзлари ҳам охирини ўйламай қилинган бу ишларидан ҳеч қандай фойда кўрмайдилар. Аксинча, ишчи ва ҳукмдорларнинг бундай харакатлари улар орасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатади ва натижада жамиятга катта ташвиш ва қийинчиликлар олиб келади. Ҳаётнинг бундай муаммоларини ҳал қилишнинг фақат бир йўли бор: барча шубҳа-ю гумонларни четга кўйиб, карма-йога усулидан фойдаланиш керак. Агар одамлар мунтазам равища, руҳий натижа келтирадиган фаолият - карма-йога қоидаларига амал қилиб юрсалар, кутишлари мумкин бўлган ҳар қандай натижадан ҳам юксакроқ натижага эга бўлишлари аниқ. Шунда одамлар ўз-ўзидан, ер юзида "меҳнаткашлар капиталистлардан ҳам бой бўладиган жаннат қурамиз" деб барча одамларнинг teng ҳуқуқли бўлишига эришишга интилиб юрган социалист, лейборист ва болршевикларнинг барчасидан ҳам каттароқ натижаларга эришадилар.

Одатда одамлар орасида қон-кардошлиқ, дўстлик муносабатлари аста-секин ривожланиб боради: одамнинг аввал фақат ўзига бўлган муҳаббат туйғуси ривожланиб оила аъзоларига бўлган муҳаббатга айланади: оиласага бўлган муҳаббати - уруғи, қабиласига бўлган муҳаббатга; қабиласига бўлган муҳаббати - миллатига бўлган муҳаббатга айланади. Миллатга бўлган муҳаббат аста-секин ривожланиб, бутун инсониятга бўлган муҳаббатга айланади. Мана шу аста-секин ривожланиш жараёни асосида, боғланишнинг қандайдир ягона обьекти яширинган, шу обьектнинг шарофати билан бизнинг муҳаббатимиз бир погонадан иккинчи погонага юксалиб боради. Лекин, бизнинг бутун инсониятнинг бирдамлигига эришиш учун қилаётган уринишимиш асосида, боғланишларимизнинг асосий маркази сифатида оила ҳам эмас, жамият ҳам эмас, миллат ҳам, ҳатто инсоният ҳам эмас - ҳар ерда мавжуд бўлган ягона Парвардигор турганини сира ҳам ўйламаймиз. Бундай ғоғиллигимизнинг сабаби шундан иборатки, бизлар Мутлақ Ҳакиқатнинг

алдамчи моддий қуввати пардаси билан қопланиб қолганмиз. Буни Худонинг буюк содиқ хизматкори Махараджа Прахлада ҳам тасдиқлайди. Унинг айтишига кўра, оддий одамлар ўзларининг ҳаётдаги асосий мақсадлари ягона Парвардигор Вишну, Худо Шахси эканини билмайдилар. Парвардигор Вишнунинг намоён бўлган қиёфаларининг энг мафтункори, энг жозибалиси - ҳаммани ўзига жалб этувчи Шри Кришна.

Кришна сўзи "мафтун этувчи", "ҳаммани ўзига жалб этувчи" деган маънони англатувчи "криш" ўзагидан пайдо бўлган. Шундай қилиб Парвардигорнинг, Мутлақ Ҳакиқатнинг Кришна - "ҳаммани Ўзига жалб этувчи" деган номидан ҳам юксакроқ номи бўлиши мумкин эмас. Чукур изланиш ва тадқиқотлар натижасида донишмандлар Кришна - Худонинг Олий Шахси деган хulosага келганлар. Суга Госвами бошчилигига Наимишаранря ўрмонида тўпланган донишмандлар Мутлақ Ҳакиқатнинг намоён бўлган кўринишлари ва улар билан боғлиқ бўлган нарсаларни батафсил муҳокама қилиб шундай хulosага келганлар: Кришна - Худонинг Олий Шахси, бошқа намоён бўлган қиёфалар ё Кришнанинг тўлиқ экспансияси, ё тўлиқ экспансиясининг бўлаклари. Шри Кришна - ягона Парвардигор. Бхагавата мактабининг илоҳиётчи донишмандларининг хulosаси шундан иборат. Коинотни яратган зот Браhma нозил қилган муқаддас китоб "Браhma-самхита" ҳам шуни тасдиқлайди: - "Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси. Унинг илоҳий сиймоси мангу, илм ва лаззатга тўла. У - азалий шахс, "Говинда" деб ҳам аталади. Унинг бошланиши йўқ, лекин Унинг Ўзи ҳамма нарсанинг боши, аввалидир." Шунинг учун бизнинг атрофимиздаги одамлар, бошқа тирик мавжудотлар билан бўлган муносабатларимиз Шри Кришнага бўлган муҳабbat асосида ташкил этилсагина умумжаҳон тенглик ва конкардошлик гоялари амалда рўёбга чиқиб, бутун Ер юзида мустахкам тинчлик ўрнатиш мумкин бўлади.

Буни қариндошлик муносабатларининг келиб чиқиши мисолида ҳам тушунтириш мумкин. Масалан, синглимнинг эри, яъни куёв болани олайлик: синглим унга турмушга чиқмасдан аввал у мен учун умуман бегона одам эди. Лекин, у синглимнинг эри бўлгандан кейин бизларнинг муносабатимиз умуман ўзгарди. У энди менга куёв бўлади. Мана шу янги муносабатлар асосида, унинг фарзандлари ҳам мен учун яқин бўлади: энди улар менга жиян бўладилар. Бундай муносабатлар ягона синглим мен учун ҳам, куёвим учун ҳам азиз бўлгани сабабли амалга ошди, яъни куёвни мен билан боғлаб турган нарса синглим бўлади. Синглим унга ҳам азиз, менга ҳам азиз.

Худди шунингдек, агар умумий манфаатимиз обьектини ўзимиз яшаб турган юртимиз қилиб олсак, ўзларимизга "бенгалиялик", "панжоблик" ёки "англиялик" деган тамға босиб, айни пайтда

бошқалардан ўзимизни ажратиб қўямиз. Агар қандайдир дин ёки эътиқодга риоя кила туриб, биз бутун фикримизни шунга қаратсак, ўзимизга қандайдир "индус", "мусулмон", "христиан" деган лақаб қўйиб, гурухларга ажралиб кетамиз. Шу тарзда биз, бошқаларни умуман қизиқтирмайдиган нарсаларга боғланиб қоламиз, шунинг учун бизга ҳамма бирдай қўшила олмайди, яъни биз яхлит жамият бўлиб жипслаша олмаймиз.

Биз қачон бутун боғланишимизни ҳаммани ўзига жалб қилувчи ягона Парвардигорга, Шри Кришнага мужассам қилсаккина, дунёдаги барча одамлар билан бўлган муносабатимиз мукаммал дараражага кўтарилади. Асл табиатимизга кўра биз Кришна билан мангу боғланганмиз, чунки У - азалий, бошланғич мангу тирик мавжудот, демак У - ҳамма учун бирдай бўлган умумий муҳабbat, муносабатлар маркази. Шунинг учун биз ана шу муносабатларни қайта тиклашимиз зарур. Биз ташки алдамчи қувват таъсири остида ҳозир шу азалий муносабатларни вақтингча унутиб қўйганмиз. Ташки қувват, майя, бизнинг илмимизни ўраб олиб, бизни Кришнадан ажратиб қўяди. Кришна билан мавжуд бўлган мангу муносабатимизни қайта-тиклаш учун биз карма-йога усулидан фойдаланишимиз ва шу билан бирга руҳий илм ўрганишга биринчи қадам қўйишимиз лозим.

Карма-йога билан шуғулланиб юрган киши ҳар қандай одамга Худо Шахси, ягона Парвардигор билан илоҳий муносабатини қайта тиклашда ёрдам бера олади. Бу муносабатларнинг мазмуни - Унга садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб яшашидир. Карма-йога ана шундай энг буюк, улуғвор эзгу ниятни дунёвий фаолиятга, тирикчилик ташвишларига бутунлай шўнгигб кетган ҳар бир одамга, уларни бу ишларидан чалғитмасдан амалга оширади. Аввал айтганимиздек, Кришна "Бхагавад Гита"да бизга маслаҳат бериб айтадики, одамларни улар ўрганиб қолган кундалик ишларидан тўхтатмаслик керак - бу уларга ёқмайди, аксинча уларнинг ишларини карма-йога фаолиятига айлантириб, уларни меҳнат қилишга рағбатлантириш лозим.

Одатда дунёвий нарсалардан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган одам ўзининг Кришна билан мангу муносабатини англаб етиши жуда кийин, чунки алданиш, гафлат остида улар ўзларини лаззатланувчи, Худо деб ҳисоблайдилар. Ўзини асл табиатига умуман зид бўлган "олий лаззатланувчи" ҳолатига қўйиб, бундай одамлар табиат кучларини ўзига бўйсундиришни истайдилар. Гарчи бу иш уларга шунча қийинчиликлар олиб келса ҳам, барибир атрофидаги оламни ўзининг иродасига бўйсундириш, ундан факат лаззатланиш учун фойдаланиш истагидан кутула олмайдилар. Охир-оқибатда бу ишнинг уддасидан чиқолмай, ҳафсаласи пир бўлганда, ҳамма нарсадан воз кечиб, яна ҳам кучлирок

ишиштің билан лаззатланишга интилиш учун, ўзларини таркидунё килган одамлардай қилиб күрсатадилар. Қылган меңнати натижаларидан иложи борича күпроқ лаззатланишга интилиб, дунёвий одамлар худди тегирмон тошини тинмай айлантириб юрадиган хұқыздар сингари қаттық изтироб чекиб яшайдилар. Аммо шунга қаррамай, алдамчы қувват, майя таъсири остида ғафлат босиб, улар ҳаётда ҳақиқатан ҳам лаззатланиб яшапмиз, деб ўйладилар. Шунинг учун доно карма-йог, ғафлат бортқоғига боттан бундай дунёвий одамларни ташвишга солмасдан, уларнинг ҳар куни бажаришга ўрганиб колган ишларини Худо билан боғлаб, уларни Кришнага хизмат қилиш билан машғул қиласы. Шунинг учун ҳам Кришнанинг мангы хизматкорлари бўлган озод руҳлар ғофил дунёвий одамларни карма-йога усулига ўргатаётib, баъзида гўё дунёвий фаолиятга бутунлай ўзғандай бўладилар,

Агар ягона Парвардигор, Шри Кришна ва Унинг Аржун сингари мангы хизматкор ҳамроҳлари бу дунёга ташриф буюриб, ҳаётда, кундалик турмушда карма-йога усулини қандай кўллаш лозимлигини ўргатмаса, ғофиллик бортқоғига боттан дунёвий одамлар ҳар хил бемаъни фаолият билан машғул бўлиб, ғафлат бортқоғига боттан ҳолида қолаверган бўлардилар. Ҳар қандай дунёвий мақсадларга эришиш ҳаётда жуда кўп қийинчиликлар билан боғлиқ эканини чукур тафаккурга эга бўлмаган оддий одамлар тушунмайдилар. Қилаётган ҳар бир ишининг натижаси факат унинг ўзига боғлиқ эканига улар ўзини қанчалик ишонтирмасин, барибир улар табиат гуналарининг таъсири остида, табиат яратиб кўйган шароитда ишлашга мажбур. Ягона Парвардигор Шри Кришна "Бҳагавад Гита"да шундай хulosaga келган. У таъкидлаб айтадики, сохта ўзлик таъсири остида узокни кўролмайдиган дунёвий одам ҳамма ишни "ўзим қиляпман" деб ўйлади. Лекин аслида, бу ишларни қилишга уни табиат гуналари мажбур қилаётганини англаб етмайди. Шундай ғофил одам, ўзининг Парвардигор Кришнанинг алдамчы қуввати бўлган Майядевининг ҳукми остида эканини, шу Майя уни ўзи истаган ишни қилишга мажбур қилаётганини тушунишга қодир эмас. Натижада, табиат гуналарига чамбарчас боғланиб ҳаракат қилаётган шундай одам, ўз фаолиятининг факат ўткинчи натижаларига - дунёвий баҳт ва мусибатларга эришади, холос.

"Бҳагавад Гита"да Парвардигор Кришна айтадики, барча тирик мавжудотлар Унинг ажралмас бўллакларидир, демак Унинг мангы илоҳий хизматкорларидир. Ажралмаган бўллакнинг вазифаси - тўла бутунга хизмат қилишдан иборат. "Хитопадеш", "Удеша индрияном" - деган қадимий ведавий масаллардан бирида бу ҳолат тана ва унинг бўллаклари мисолида тушунтирилган. Кўллар, оёқлар, кўзлар, бурун ва бошқа аъзолар тўла бутун бўлган тананинг ажралмас қисмларидир. Аммо, агар кўл-оёқлар ва бошқа аъзолар, ўзлари топган овқатни коринга юбориш

ўрнига, факат ўзлари лаззатланишга уринсалар, бундан бутун тана зарар кўради. Унда тананинг бўллаклари тўла бутун тананинг манфаатларига зид иш қылган бўлади. Бундай бемаъни ҳаракатлар на кўлларга, на оёқларга ва на бошқа аъзоларга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Аксинча, қоринга тушиши керак бўлган овқатнинг етишмаслиги сабабли, бутун тананинг фаолияти бузилиб, охир-оқибатда тана ожизлашиб, касал ҳолга келиб қолади. Худди шунингдек, агар Парвардигорнинг ажралмас руҳий заррачалари бўлган тирик мавжудотлар ҳам, тўла бутун бўлган Худони мамнун қилиш учун ҳаракат қилишдан бош тортсалар, бундан уларнинг ўзлари қўйналади.

Парвардигор Шри Кришна - барча сабабларнинг азалий сабабчиси, ҳаёт манбаи ва бутун олам дарахтининг илдизидир. "Бҳагавад Гита"дан келиб чиқадиган мантиқий хulosса шундан иборат. Унда айтилганки, бирор соҳада ягона Парвардигордан, Кришнадан устунроқ бўлган бирор зот мавжуд эмас. Ҳар қандай фаолиятнинг ва барча курбонликларнинг натижаси факат Унинг мулки хисобланади. Лекин гуноҳга ботган ғофил одамлар ўз ихтиёрини Худога топширишдан бош тортадилар, чунки Унинг ягона Парвардигор, ҳаммага баробар Худо Шахси эканини, барча тирик мавжудотлар эса аслида Унинг мангы хизматкорлари эканини тан олгилари келмайди.

Тирик мавжудот ўзининг Худо Шахси билан мангу муносабатларини эсидан чиқарганида, ғафлат остида ўзини "кичкина Худо" деб ўйлади ва ҳаётда бор кучи билан атрофидаги нарсалардан фойдаланиб, лаззатланиб қолишга уринади. Тўла бутун ва бутун борлиқнинг сабабчиси бўлган Парвардигор, Мутлақ Ҳақиқатга илоҳий хизмат қилиш ундей одамнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Адашган тирик мавжудотларнинг фаолиятини моддий табиатнинг "майя"(шайтон), "алдамчы қувват" деб аталадиган гуна(куч, сифат)лари бошқариб туради. Аслида тирик мавжудот табиат кучларини ўзига бўйсундира олмайди. Тирик мавжудот олий лаззатланувчи, Худонинг, Кришнанинг ўрнини эгаллашта уринган заҳоти табиат гуналари уни ҳар томондан ўзига бўйсундириб олади. "Ўзи" ҳакида нотўғри тасаввурга эга бўлган тирик мавжудот олий лаззатланувчига таклид қилишга ҳаракат қиласы, аммо ҳудди кўл, оёқ, кўз ва бошқа аъзолар бутун тананинг ишини бажара олмагани сингари, ўз табиатига кўра у ҳеч қачон лаззатланувчи бўлолмайди. Шу тарзда тирик мавжудотлар ҳаётдан лаззатланишга бўлган барча уринишлари натижасида ҳар хил қийинчиликларни бошидан кечиради. Ғофиллик таъсирида қилиб юрган барча ишларимиздан учрайдиган ҳар қандай қийинчиликдан кутулиш учун биз кундалик турмушда карма-йога йўлидан боришимиз лозим.

Ҳакиқий руҳий илмга эга илоҳиётчи одамларнинг қилаётган ишлари оддий одамларнинг ишидан кескин фарқ қиласы. Руҳий даражага

эришган одамлар, табиат гуналари таъсири остида бажарилаётган дунёвий ишларнинг садоқат билан Худо учун қилинаётган илохий табиатли ишлардан умуман фарқ қилишини яхши тушунадилар. Илохий одам аслида пок рухдан иборат бўлган ҳақиқий ўзлиги, яъни "ўзи"нинг моддий танасига ва ақлига хеч қандай алоқаси йўқлигини аниқ билган ҳолда, ҳамиша руҳий поғонада фаолият кўрсатишга ҳаракат қиласди. У биладики, гарчи у ҳозир вақтинча моддий оламда яшаётган бўлса ҳам, аслида ўзи - мангу рух, яъни Олий Рух, Парвардигорнинг ажралмас заррачаси. Шунинг учун ҳатто унинг барча аъзолари - кўллари, оёқлари ва бошқа аъзолари худди бошқаларники сингари ҳар хил фаолият билан машғул бўлаётган бўлса ҳам, ундей одамни дунёвий одамлар билан тенглаштирмаслик керак. Худога, Парвардигор Кришнага садоқат билан холис хизмат қилиш ундей одамни моддий фаолият оқибатлари чангалидан озод қиласди. Парвардигор Шри Кришна Аржунга шундай дейди: "Эй Аржун, бу дунёда қилаётган ишларинг натижасидан лаззатланишга интилишни тарқ эт, йога билан шуғулланиб илохий, руҳий поғонага кўтари! Жангчилик бурчингни Мен учун, Менга холис хизмат сифатида бажар! Кўрсатмаларимга амал қилиб, Менга ҳасад қилмасдан, шундай қайфиятда ҳаракат қилган киши албатта барча қилмишлари оқибатидан халос бўлади".

Биз ўзимизни танага қиёслаганимизда, бошқача қилиб айтганда ғофиллигимиз сабабли танамиз ва ақлимини ўзим("мен") деб ўйлаб, ўзимизни моддий оламнинг бир бўлаги, моддий олам эса, лаззатланиш макони деб қабул қилсан, ҳақиқий руҳий илм олиш имкониятидан маҳрум бўламиш. Шунинг учун, Худо бизга руҳий ҳаётга интилишни, ҳаётда илоҳиётчи инсон бўлиб яшашни маслаҳат беради. Шундагина биз моддий оламнинг бир бўлаги эмаслигимизни, мангу илохий, руҳий мавжудот эканимизни англай оламиш. Шу ҳақиқатни англаб етгандан сўнг, биз табиий равища "онг"имизни моддий нарсалардан ажратса олишга қодир бўламиш. Руҳий илм ўрганишда юксала борган сари моддий сезги аъзоларининг моддий нарсалар билан ўзаро фаолияти натижасида юзага келадиган ўткинчи баҳт ва мусибатлар бизга камроқ таъсири қиласди бўла бошлайди. Руҳнинг модда билан ўзаро муносабати натижасида юзага келган бизнинг соҳта ўзлигимиз аста-секин йўқола боради, бу эса ўзимизни моддага қиёслашни тарқ этишимизга ёрдам беради. Натижада биз ўзимизнинг Мутлақ Ҳақиқат билан ўзаро мангу муносабатимизни эслай бошлаймиз. Шу тарзда ҳатто бу ҳаётнинг ўзидәёқ руҳий озодликка эришиш мумкин.

Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришна - Мутлақ Ҳақиқатнинг Ўзидир. Бу барча мукаддас китобларда тасдиқланган. Кришна билан ўзаро муносабатимизни қайта тиклаган кундан бошлаб бизнинг руҳий, илохий ҳаётимиз бошланади. Шри Кришна худди куёшга, ғофиллик эса -

зулматга ўхшайди. Ўзимизни Худо билан, Кришна билан боғлаган заҳоти бизни ўраб олган ғофиллик зулмати ғойиб бўлади. Худди эрталаб қуёш нурлари остида бутун атроф ёришиб, ҳамма нарса аниқ, равшан кўрина бошлагани сингари, қалбимизда Худо Шахси, Парвардигор Кришна пайдо бўлган заҳоти биз барча моддий иллатлардан покланамиз. Бу қандайдир хом хаёл эмас, аниқ синалган, ҳақиқий руҳий ўзликни англаш тажрибасидир. Шри Кришна ва Унинг ҳақиқий содик хизматкорлари изидан бориб, бу жараёнга самимий амал қилиб юрганларнинг ҳаммаси мана шу оддий ҳақиқатга албатта эришганлар.

Лекин Худога, Кришнага ҳасад қиласди. У билан тенглашишга интиладиган ғофил одамлар мана шу оддий ҳақиқатни тан олгилари келмайди. Шунинг учун карма-йога билан шуғулланиш инсон ҳаётида қанчалик муҳим эканини тушуниб етмасдан, узоқни кўра олмайдиган калтафаҳм имонсиз одамлар пала-партиш, бетартиб дунёвий фаолиятга муқкасидан берилиб кетадилар. Бундай дунёвий фаолият уларни бутунлай ўз чангалига илдириб олади: қилаётган ишларининг ўзи уларни қайта-қайта туғилиб-ўлишларга мажбур қилиб, бу моддий оламда тутқун бўлиб қолишга мажбур қиласди. Ғофил одамлар Кришнага ҳасад қилиб, Уни худди ўзлари сингари оддий одам деб қабул қилиб, Унинг устидан куладилар. Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги илохий Ҳақиқат илми уларнинг ғафлат босган ақлига жуда қийинчилик билан етиб боради, чунки улар рух ҳакида хеч қандай илмга эга бўлмагани сабабли, Худонинг шахс эканини билмай, шахсиятсизлик фалсафаси таъсирига қаттиқ берилиб кетганлар. Аммо, ўз ихтиёрини Худога топшириб, Унинг гапларига чукур иймон келтирган одамлар "Бҳагавад Гита" сингари муқаддас китобларнинг сўзларини қандай бўлса шундайлигича, кўпинча "руҳий изоҳ" деб аталағидиган хеч қандай ўзгартиш киритмасдан қабул қиласди. Факат ана шундай содик инсонгина ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириш қонун-қоидаларига амал қилиб, дунёвий фаолият чангалидан халос бўлиш имкониятини берадиган карма-йога усулидан фойдалана олади.

Кришна Аржунга берган насиҳатларида бирор марта ҳам факат маълум бир табақага, миллатга, динга ёки давлатга мансуб бўлган кишигина Худонинг содик хизматкори бўла олади, деб айтмаган. Аксинча, Худонинг содик хизматкори ҳар қандай давлатда, ҳар хил миллат, дин ва ҳалқ орасида туғилиши мумкин. Инсон ким ва қандай бўлишидан қатъий назар, шубҳасиз Шри Кришнанинг, ягона Парвардигорнинг содик хизматкори бўлиши мумкин. Ягона Парвардигор, Шри Кришнанинг Ўзи бу ҳақиқатни тасдиқлаб, "Бҳагавад Гита"да шундай дейди: "Эй Притханинг ўғли, Мендан паноҳ топган ва ҳаётини Менга садоқат билан холис хизмат қилишга бағишилаб,

ҳатто Худога ишонмайдиган ва паст табақада туғилган, шу жумладан аёллар, илмиз хунарманд-косиблар ва савдогарлар ҳам ҳәётда рухий камолотга эришиб, Худонинг даргоҳига қайтишлари мумкин". Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги замонда асурлар, имонсиз одамлар қабул қилиб кўйган қонунлар бўйича жамиятдаги одамларни ҳар хил табақаларга нотўғри бўлиш тизими имонли кишининг Мутлақ Ҳақиқатга, Худога, Худонинг даргоҳига эришиш йўлида тўsicк бўла олмайди.

Парвардигор Шри Кришна ҳақиқий, барчага баробар бўлган табақаланиш тизимининг асосий қоидаларини Ўзи тушунтириб берган. Моддий табиатнинг у ёки бу гунаси таъсири остида дунёвий фаолият билан машғул бўлиш натижасида, одамлар ўзида шакллантирган сифатларига қараб Парвардигор жамиятни тўрт табақага бўлиб кўйибди: 1. браҳманлар - рухоний ва зиёли донишмандлар; 2. кшатрийлар - ҳукмдор ва жангчилар; 3. вайшроялар - савдогарлар ва ер эгалари; 4. шудралар - оддий ишчилар, хунармандлар. Лекин, гарчи Парвардигор Кришна бу тизимни яратиб, уни бутун жаҳонга татбиқ этиб кўйган бўлса ҳам, У ҳар бир одамнинг жамиятдаги ўрни қайси оилада туғилиши асосида белгиланадиган ғайритабиий тизимнинг пайдо бўлишига айборд эмас. Парвардигорнинг яратиб кўйган бу табақаланиш тизими ҳамма ерда ва ҳамиша табиий ҳолда мавжуд бўлиб қолаверади. Бу тизим ҳеч қандай зўравонлик билан киритилмайди, чунки унда асосан ҳар бир инсоннинг шахсий сифати ва фазилатлари ҳисобга олинади.

Жамиятни тўрт табақага бўлиш ҳеч қачон ўз олдига одамнинг қайси табақага мансуб бўлиши - унинг қайси табақага мансуб оилада туғилишига боғлиқ бўлишини назарда тутган эмас. Жамиятнинг ҳақиқий табақаланиши ҳамма жойда табиий равишда мавжуд, чунки табақаларнинг ҳақиқий тизими одамнинг амалий қобилияtlари ва сифатлари асосида унинг жамиятда тутган ўрнини белгилайди. Ҳеч бир одам шунчаки қайси табақага мансуб оилада туғилгани асосида, яъни иккинчи даражали бўлган бундай белги асосида браҳманлар, кшатрийлар, вайшроялар ёки шудралар табақасига мансубликни даъво қила олмайди. Масалан, бирор киши фақат врачнинг ўғли бўлгани учунгина врач бўлиб ишлай олмайди. Ҳақиқий врач бўлиш учун узок вакт жиддий равишида тибибиёт фанини ўрганиши лозим, фақат етарли маълумотга эга бўлиб, ўкишини тугатгандан кейингина у врач бўлиб ишлаш хукуқига эга бўлиш мумкин. Бемор одам врачнинг олдига келганида унинг туғилиш ҳақидаги гувоҳномасига эмас, энг аввало унинг врачлик қобилиятига эътибор беради.

Врачлар ҳар бир давлатда бўлган ва ҳозир ҳам бор, худди шунингдек браҳман, кшатрий ва бошқа табақаларга оид сифат ва фазилатларга эга бўлган кишилар ҳам ер юзидағи ҳар бир жамиятда бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд. Ҳозирги, бирор давлат ёки диний сектанинг

дунёкараши билан чегараланиб қолган, ҳақиқий, ҳаммабоп табақаланиш тизимининг бузиб кўрсатилаётган кўриниши шубҳасиз, умуман нотўғри табақаланиш тизимиdir. Агар кимдир, аслида ҳеч қандай илм ва қобилиятга эга бўлмай туриб, факат врачнинг ўғли бўлгани учунгина ўзини врач деб атаётган бўлса, бошқалар эса, уни ҳақиқатан ҳам врач дебтан олаётган бўлса, унда ҳамма бир-бирини лаққиллатиб, алдаб юрадиган жамият юзага келади. Бу - ҳақиқий табақаларга бўлинган инсонлар жамияти эмас, алданганлар ва алдоқчилар жамияти бўлади, холос. Шунинг учун Худонинг Ўзи асос соглан, "Бҳагавад Гита"да эслатиб ўтилган жамиятни табақаларга бўлиш тизимининг алдоқчилар ва алданганлар жамиятидаги сохта табақаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Парвардигор яратиб кўйган табақаланиш тизими ҳамиша ва ҳамма ерда - жаҳоннинг, ҳатто коинотнинг ҳамма жойида мавжуд.

Ҳар бир табака вакилларининг сифатлари "Бҳагавад Гита"да кўрсатиб ўтилган, ва биз ҳам уларни қисқача таърифлаб ўтамиш. Биринчи табака, жамиятнинг олий табақаси - браҳманлар табақасидир: улар илмли, эзгу ниятли, пок, ҳәётда ҳамиша рухий қадриятларга асосланиб, кечиримлилик, бағрикенглик ва вазминлик билан иш тутадиган кишилардир. Иккинчи табака - кшатрийлар, улар яратувчи, ўзида бунёдкорлик билан шуғулланиш учун зарур бўлган шижаот, эҳтирос сифатларини намоён этиб, ҳар хил ижтимоий ва сиёсий ташкилотларнинг раҳбарлари сифатида фаолият кўрсатадилар. Учинчи тоифа вакиллари - вайшроялар: улар эҳтирос ва ғафлат гуналарининг аралаш таъсири остида бўлиб, асосан дехқончилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланадилар. Ниҳоят тўртингчи, паст табақага оид кишилар, яъни шудралар, ғафлат ботқоғига ботган, шу боис бошқа уч табақага оид кишиларга хизмат киладиган кишилардир. Синф сифатида шудраларнинг вазифаси - бутун жамиятга хизмат килишдан иборат. Ҳозир биз яшаётган - ҳамма ерда уруш-жанжаллар, иккисизламачилик ва ғоғиллик авж олган Кали-юга даврида - деярли ҳар бир одам шудра бўлиб туғилади.

Ҳар қандай жамиятга Парвардигор яратган табақалаш тизими нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, ер юзининг ҳамма ерида мана шу табақаларга оид бўлган одамларни учратишмиз мумкин. Жаҳондаги инсонлар яшайдиган истаган жамиятда браҳманлар, кшатрийлар, вайшроялар ва шудраларга хос хусусиятларга, сифат ва фазилатларга эга бўлган одамларни учратиш мумкин. Табиатнинг уч гунаси - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат сифатлари - бутун коинотга сингиб, ҳамма ерни қамраб олган. Браҳманлар, кшатрий ва бошқа табақалар табиат гуналари юзага келтирган сифатларга оид одамлар бўлгани учун, жаҳоннинг қаерибадир ундиҳ одамлар йўқ, деб айтиб бўлмайди. Ҳар қандай давлатда муайян табиат гуналарининг таъсири остида ҳаракат қиладиган табақалар ҳамиша бўлган, ҳозир ҳам бор ва келажакда ҳам албатта бўлади. Шунинг

учун жамиятни табақаларга бўлиш фақат Хиндистонда мавжуд деб ўйладиган одамлар адашадилар. Ҳар бир давлатда у ёки бу ном билан турли табақадаги одамлар албатта мавжуд.

Табақаларга бўлиниш ҳеч кимни Худонинг содик хизматкори бўлиш имкониятидан маҳрум қилиб қўймайди. Инсон қаерда яшашидан қатъий назар, ҳатто у ўзининг сифатлари билан энг паст табақага оид, шудрадан ҳам пастроқ маданиятли одам бўлса ҳам Кришнага, Худога илохий хизмат қилиш билан шуғулланиши мумкин. Худо Шахси Шри Кришнага илохий хизмат қилиш билан машғул бўлиб, тажрибали браҳман руҳий юксалишда камолот чўққисига эришади. Агар Худога садоқат билан холис хизмат қилиш йўлига кирса, шундай юксак камолот чўққисига ҳар бир одам, ҳатто шудрадан ҳам паст бўлган одам ҳам эриша олади. "Пурана"ларда айтилганки, ҳатто чандала(Худога ишонмайдиган имонсиз одам(явана)лар - олтинчи табақа, қурбонлик қилмасдан ҳайвон гўшти ейдиган(млеччха)лар - олтинчи табақа, ит гўшти ейдиган одам(чандал)лар - еттинчи табақа) ҳам, агар Худога холис хизмат қилиш билан шуғулланса, браҳмандан ҳам юқори мартағага эришади. Шундай қилиб, коинотнинг энг нодир муқаддас китоби бўлган "Бҳагавад Гита"нинг асосий мақсади жаҳондаги ҳар бир одамга умрини Шри Кришнага илохий хизмат қилишга бағишлишга, унинг ким бўлишидан катъий назар, ҳаётда руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилишга ёрдам беришдан иборат.

Шунинг учун табакаси, миллати, дини ва бошқа атамаларидан қатъий назар ҳар бир одам Худога садоқат билан холис хизмат қилиш йўлига кириши лозим. Бу йўл карма-йогадан, моддий бойлик билан бир қаторда руҳий бойлик келтирадиган фаолиятдан бошланади. Шундай фаолият билан машғул бўлиб, одамлар жаҳонда рўй бериб турган ҳамма воқеа-ҳодисаларни илохий поғонага кўтаришлари мумкин. Бундай фаолият одамларнинг ўзларини ҳам, уларнинг қилаётган ишларини ҳам табиат гуналари таъсиридан халос қилишга, бутун жаҳонни соғ эзгулик маконига айлантиришга қодир. Ҳар бир одамнинг қилаётган ишлари руҳий, илохий поғонага кўтарилганида, табиий равишда унинг ўзида ҳам браҳмандарга хос бўлган барча эзгу фазилатлар ривожлана боради. Аслини олганда, ўз ҳаётини бутунлай руҳий қадриятлар асосида куриб, табиат гуналари таъсиридан халос бўлиб, илохий даражада яшаётган киши ҳатто браҳмандан ҳам юксакроқ даражага кўтарилган бўлади. Охир оқибатда, гарчи браҳман инсонлар жамиятидаги энг олий даражага бўлса ҳам, унинг ҳолати тўла руҳий, илохий даражага эмас.

Худога илохий хизмат қилиш билан машғул бўлиш орқали инсон қандай қилиб илохий, руҳий илмга эга бўлиши мумкинлиги "Бҳагавад Гита"нинг тўртингчи боб, йигирма тўртингчи шеърида кўрсатилган. Унда

айтиладики, биз руҳий натижаларга олиб келадиган фаолият билан машғул бўлганимизда, атрофимиздаги ҳамма нарсанинг табиати ўзгариб, руҳий, илохий сифатларга эга бўла бошлади. Шанкарачаррянинг "Веданта"лар таълимотини нотўғри тушунтирадиган пантеистик таълимоти ҳам, мана шу шеър мазмунига асосланган.

Шуни тўғри тушуниш лозимки, гарчи қурбонлик маросимлари ҳар хил кўринишида бўлишига қарамай, уларнинг охирги, якуний мақсади битта: - ягона Худо Шахсини, Парвардигор Вишнуни мамнун қилишдан иборат. Бу моддий оламда яшар эканмиз, биз ҳамма ерда Унга боғлиқмиз, ҳатто жонимизни танамизда сақлаб туриш учун ҳам биз Вишнунинг ёрдамига муҳтожмиз. "Веданта"да келтирилган Олий Руҳнинг ҳамма жойда мавжудлигини тўғри тушуна олсаккина, моддий оламдаги дунёвий фаолиятимизни илохий, руҳий даражага кўтаришимиз мумкин. Пантеизм таълимоти тарафдорлари бу ҳақиқатни бузуб кўрсатадилар. Уларнинг айтишларига кўра, Олий Руҳ ҳамма ерда мавжуд бўлгани учун, бутун борлиқнинг ўзи - Олий руҳдир. Бу нотўғри тушунчани бутунлай инкор этиб, ундей адашишдан, нотўғри тасаввурдан халос бўлиш лозим. Агар одамлар Олий Руҳ ҳамма ерда ҳам мавжудлигини тушунган ҳолда, ҳақиқий ўзлигини англаган руҳий устоз кўрсатмаларига амал қилиб, ўз фаолиятини Олий Руҳ билан боғлай олсаларгина ҳамманинг ҳаёти илохий поғонага кўтарилади.

Шунда ҳақиқатан ҳам атрофимиздаги ҳамма нарса руҳий, илохий табиатга эга бўлади.

Буни қуйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Агар темир парчасини оловга қўйиб, уни қизаргунча қаттиқ қиздирсан, у ўзининг аввалги темир сифатларини йўқотиб, олов сифатларига эга бўлади. Худди шунингдек, агар биз ҳам, ҳар бир ишимизни Худо билан бўлган мангу муносабатларимиз нуктаи-назаридан қараган ҳолда қиласиган бўлсан, бутун ҳаётимиз руҳий поғонага кўтарилади. Ҳар бир ишда Худони рози қилиш учун ҳаракат қила бошласак, бутун ҳаракатимиз, бутун фаолиятимиз руҳий табиатга эга бўлади.

Қурбонлик қилиш беш таркибий қисмдан иборат. Улар: 1. Қурбонлик жараёни, 2. Қурбон қилинадиган нарсанинг ўзи, 3. Олов, 4. Қурбонлик қилиш, ва 5. Қурбонликнинг натижаси. Шу нарсаларнинг ҳаммаси Олий Руҳ билан боғланган бўлса, улар илохий даражага кўтарилиб, ҳақиқий қурбонлик ўtkазилган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мана шу беш нарсанинг ҳаммаси Худога, Кришнага хизмат қилиш йўлида бажарилса, улар Кришна билан боғланиб, мутлақо илохий поғонага кўтарилади.

Шунинг учун донишманд кишилар бутун умрини Худо йўлига бағишилайдилар. Шундай беғубор пок инсонлар ўзларининг ҳиссиётини тўла жиловлаб олган ҳолда ҳақиқий руҳий ўзлигини англаб етган, аслида

мангу рух эканини биладиган зотлардир. Фақат ана шундай зотларгина бу дунёда адашиб юрган ғофил одамларга нисбатан шароитга, замонга, ҳар бир одамга хос бўлган сифатларига қараб, қалбидаги чуқур ҳамдардлик туйғуси билан ёрдам бера олиши мумкин. Гарчи ундаи буюк инсонларнинг қилаётган ишлари сиртдан қараганда оддий дунёвий ишларга ўхшаб туюлса ҳам, улар дунёвий фаолиятдан умуман пок. Бу ҳолат "Бҳагавад Гита"нинг бешинчи боб, еттинчи шеърида тушунтирилган. Фақат бошқаларга ҳамдардлик туйғуси таъсири остидагина руҳий натижалар келтирадиган фаолият билан машғул одамлар - ҳақиқатан ҳам жамиятга раҳбарлик қилишга муносиб бўлган одамлардир. Бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш учунгина лавозимга интилаётган кишилар ҳаётда кўплаб хатоликларга йўл қўйишга маҳкум.

Илоҳий хизмат қилиш орқали Олий Рух билан боғланмаган, фақат ўзининг нафси ва ўз манфаати учунгина меҳнат қиласидан кишилар карма-йогларнинг ракибларидир. Улар баъзан Олий Рух, Парвардигор уларнинг фаолиятидан ҳам мамнун эканига даъво қиласидар. Шу тариқа қалбаки-пантенестлар, ўзларининг шахсий манфаат кўзлаб қилаётган ишларини Худо учун қилинаётган холис хизмат деб кўрсатишга уринадилар. Аммо, бутун ҳаётини Худонинг йўлига бағишилаган ва Унинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган соғ руҳлар, уларнинг талаби бўйича уларни ҳурмат қилган ҳолда ана шундай қалбаки илоҳий одамлардан йирок юрадилар.

Қалби пок илоҳиёт кишилари биладиларки, гарчи тирик мавжудот чексиз даражада кичик руҳий зарра бўлса ҳам, аслида у Мутлақ Ҳақиқатнинг ажралмас бир бўлагидир. Шу боис ҳар бир тирик мавжудот ҳам унинг ўзи сингари жуда кичик даражада мустақилликка эга. Парвардигор ҳар нарсага қодир Зот, шунинг учун У тирик мавжудотнинг мустақиллигига ҳеч качон ҳалакит бермайди. Агар тирик мавжудот ўзининг ана шу озигина мустақиллигини сустеъмол қилиб, ундан нотўғри фойдаланса, шу заҳоти у моддий табиат гуналари ҳукми остига тушиб қолади. Эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остига тушиб қолган тирик мавжудот, ўзида шу гуналарга хос бўлган муайян сифатларни ривожлантира бошлайди. Моддий табиат шароитида яшар эканмиз, биз албатта ўзимизга таъсир қилиб турган қайсиdir гуна таъсирида бўлишга мажбурмиз. Агар табиат гуналарининг таъсири бўлмаганида, бу моддий оламда фаолиятнинг ҳар хил турлари мавжуд бўлмасди. Бу дунёда одамлар машғул бўлиб юрган фаолиятнинг ранг-баранг кўринишларини табиатнинг ҳар хил гуналари келтириб чиқаради.

Агар биз, табиатнинг ана шу нозик қонунларини тушуниб олмасдан, қилаётган ҳамма ишимиздан "Худо рози бўлаверади" деб ўйласак, барча тирик мавжудотларга бир хил меҳрибон бўлган

Парвардигорга муносиб бўлмаган узоқни кўра билмаслик ва шафқатсизлик сингари сифатларни тақиб қўйган бўламиз. Ҳеч ким бу дунёда рўй бериб турган у ёки бу оғатларни, мусибатларни "Худонинг амри билан бўлиб турибди" деб ўйламаслиги керак. Ҳеч ким: "Худонинг амри билан бирор бироҳ бахтли, бирор бахтсиз бўлади" деб ўйламаслиги керак. Бу мутлақо нотўғри фикр. Ҳар бир тирик мавжудот ўзининг озигина мустақиллигидан ҳар хил фойдаланиши сабабли ана шундай оқибатларга дуч келадилар. Худо Шахси, Парвардигор Кришна табиат гуналари таъсирида бўладиган шартланган фаолиятни тарқ этишга ҳаммани бирдай даъват этади. Бундай фаолият одамларнинг ғофиллиги натижасида юзага келади ва табиат гуналари бизларни ҳамиша шундай фаолият билан машғул қилиб қўяди.

"Бҳагавад Гита"(5.14-15)да Парвардигор айтадики, У ҳеч кимни бирор иш қилишга мажбур қилмайди ва бу ишларнинг оқибатини ҳам келтириб чиқармайди. Буларнинг ҳаммасини табиат гуналари амалга оширади. Шундай қилиб, тирик мавжудотнинг руҳий натижага олиб келадиган ишларидан бошқа қилаётган ишларининг ҳаммаси - унинг ўз эркинлигидан, мустақиллигидан нотўғри фойдаланиш оқибатидир. Ким қандай иш билан машғул бўлиши керак ва бунинг оқибатида у қандай натижага эга бўлиши кераклигини Худонинг Ўзи белгилайди, деб ўйлаш нотўғри. Бу оламда шартланган тирик мавжудотларнинг фаолияти моддий табиатга эга: бу фаолият табиат гуналарининг ҳукми остида бўлади ва Парвардигорнинг улар билан бевосита алоқаси йўқ.

Карма-йог эса, ҳамиша илоҳий ҳолатда бўлгани туфайли табиат гуналари унга таъсир қилмайди, чунки унинг бутун фаолияти илоҳий, мутлақ даражага кўтарилиган бўлади. Иносн ўз фаолиятида табиатнинг эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсиридан халос бўлганида унга намоён бўлган бу моддий борликнинг илоҳий, руҳий табиатга эга эканлиги яққол намоён бўлади. Ана шу вақтдан бошлаб табиат гуналари унинг руҳий юксалишига ҳалакит бера олмайди. Шундай қийинчиликларни енгиги ўтган киши ҳаётга илоҳий назар билан қарай бошлайди.

Яна "Бҳагавад Гита"да шу нарса тушунтириладики, ҳаётга нисбатан ана шундай мутлақ, илоҳий назарга эга бўлиш шарофати билан донишманд киши барча тирик мавжудотлар орасидаги моддий фарқларга эътибор бермай қўяди, у барчага - билимдон ва мўътабар браҳманга ҳам, сигир, фил, ит ёки ит ейдиган чандалга ҳам бир хил муносабатда бўла бошлайди. Ҳайвонлар орасидаги сигир, одамлар орасида олийжаноб, билимдон браҳман, эзгулик гунасининг тимсолидир. Фил ёки йўлбарс эҳтирос гунасининг, ит ва чандала эса - зулмат, ғофиллик яъни ғафлат гунасининг тимсолидир. Лекин карма-йог бу тирик мавжудотларнинг ташқи

қобиқлари бўлган моддий таналари орасидаги фарқка эътибор бермайди. Бу фарқ уларга табиат гуналари кўрсатаётган таъсир натижасидир, холос. Карма-йог ўзининг мутлақ илоҳий назари шарофати билан моддий тана ичидаги жойлашган пок рухни биринчи ўринда кўяди. Чексиз кичик ўлчамга эга бўлган ҳар бир алоҳида рух чексиз катта Олий Рухнинг ажралмас зарраси бўлгани сабабли, карма-йоганинг юқори погонасига эришган йог барча тирик мавжудотларнинг ва бутун борлиқнинг яхлит бирлигини яққол кўра олади. Бутун борлиқнинг Мутлақ Ҳақиқат билан чамбарчас боғликлигини англаб етган шундай карма-йог ҳамма нарсадан фақат шу ягона, яхлит Ҳақиқатга, Худога хизмат қилиш учунгина фойдаланади. Ҳар бир тирик мавжудотни у ягона Худонинг, Парвардигор Кришнанинг илоҳий хизматкори деб билади. Худди қизарганча қиздирилган темир парчаси теккан ҳамма нарсани кўйдириб юборгани сингари, унинг комил руҳий, илоҳий назари, моддий тана қобиғи орқали ўтиб руҳий табиатга эга бўлган илоҳий шахсагина эътибор беради. Шу тариқа карма-йог ҳаммани Худога холис хизмат қилиш билан машғул бўлишга даъват қилиб, хаётга ҳақиқий илоҳий назар билан қараш қандай бўлишини барча одамларга амалда кўрсатиб беради.

Карма-йог Парвардигор, Шри Кришна - барча тирик мавжудотларнинг ягона Парвардигори, дунёдаги ҳамма нарсани фақат Ўзи лаззатланиш учун яратганини яхши билади. Карма-йог одамларнинг бу дунёда шон-шуҳрат, обрў-эътибор қозониш учун ҳар хил лаззатларга берилиб ёки таркидунёлик қилиб юришларининг қанчалик беъмани эканини тушунади. Ҳақиқий донишмандлар бу дунёда шон-шуҳрат қозонишга интилишдан ҳазар қиласидар, чунки улар бундай интилиш - моддий оламга боғланиб қолишининг асосий сабаби эканини яхши биладилар. Хайрли ишлар билан машғул бўлиш, илм олиш, муроқабага берилиш, риёзат чекиши ва ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказишларнинг асосий вазифаси - ана шу моддий оламга боғланиб қолиш касалини даволашдан иборат. Шунинг учун Парвардигор Кришна "Бҳагавад Гита"(5.29)да айтадики, барча қурбонликларнинг ва риёзатларнинг маҳсулидан лаззатланадиган ягона Зот - Худо Шахси, бутун оламнинг ягона ҳукмдори ҳам ўша Худо Шахси эканини ва У барча тирик мавжудотларнинг энг яхши дўсти эканини тушунган одамгина ҳақиқий осойишталикка эришади.

Аввал айтиб ўтганимиздек, одам ҳар бир ишни Худо учун қурбонлик сифатида бажариши лозим, яъни одам ҳар бир иши билан Худонинг, Вишнунинг илоҳий хиссиётига мамнуният олиб келиши лозим. Юқорида келтирилган "Бҳагавад Гита"нинг шеъридан маълумки, барча қурбонликларнинг маҳсулидан фақат Худо Шахси, Шри Кришнагина лаззатлана олади. Қилган ишларининг маҳсулига боғланиб колган оддий одамлар ўтказадиган қурбонлик маросимлари, шунингдек

имперсонал-файласуфлар машғул бўладиган муроқаба ва риёзатлар, Парвардигор Кришна кўрсатган амаллар бўлиб, Парвардигор бундай ишларни кўллаб-қувватлади. Ҳар бир тирик мавжудот қалбида намоён бўлган Олий Рух, сеҳргар йоглар муроқаба қиласидан Парвардигор Вишну - Шри Кришнанинг, ягона Парвардигорнинг тўлиқ намоён бўлган кўринишидир.

Шундай қилиб Шри Кришна, бутун умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишилаган содикларнинг ҳам, ўз меҳнати маҳсулига боғланиб қолган оддий одамнинг ҳам, файласуф-имперсоналистнинг ҳам ва ҳатто сеҳргар-йогнинг ҳам - умуман ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яқин дўстидир. Парвардигор Ўзининг содик хизматкорларига замон ва шароитга қараб, ҳар бир одамнинг сифатларини эътиборга олган ҳолда, ҳамма ерда Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини тарғибот қилишни буюрар экан, ҳар бир тирик мавжудотнинг баҳт-саодатини ўйлади. Шунинг учун ҳам Парвардигорни Говинда, яъни "барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси ва барча эзгуликлар манбаи" деб атайдилар. Руҳий натижа келтирадиган фаолият кўрсатиб яшаш йўлига кириб ва бу йўлда Худони таниб, одамлар ҳаётда ҳақиқатан ҳам туганмас баҳт ва осойишталикка, тинчликка эришадилар.

Умрини Парвардигор Кришнага холис хизмат қилиш йўлига бағишилаган кишининг ҳеч қандай қурбонлик қилиши, риёзат чекиши ёки садоқатли хизмат қилиш билан боғлик бўлмаган қандайдир муроқаба билан шуғулланишининг ҳожати йўқ. Аввал айтиб ўтганимиздек, Худонинг содик хизматкори табиий равишида, ўзидан-ўзи эзгулик гунасига хос бўлган барча фазилатларга эга бўла бошлади. Одатда бундай эзгу фазилатлар фақат браҳманларда намоён бўлади. Худди шунингдек, Худонинг содик хизматкорида самимий карма-йогларда бўладиган тажриба ва ўз меҳнати натижаларига боғланмаслик, таркидунё қилган одамларга хос бўлган илм ва сеҳргар-йогларга хос бўлган чуқур мулоҳаза ҳамда вазминлик фазилатлари ривожлана боради. Бу ҳақда Кришна "Бҳагавад Гита"да шундай дейди: "Турмущдаги кундалиқ вазифаларини бажаришни ўзининг бурчи деб билган, қилган ишларининг маҳсулига боғланиб қолмаган киши ҳақиқий таркидунё қилган инсон ва ҳақиқий сеҳргар-йогдир. Ўз бурчини бажармаслик учун таркидунё қилиб юриш ҳақиқий таркидунё қилиш хисобланмайди".(6.1).

Худонинг содик хизматкорининг қилаётган ишларининг маҳсулидан Худо Шахси, руҳий олам Шри Кришнанинг Ўзи лаззатланади. Шунинг учун, сиртдан қараганда яхшими, ёмонми, қандай иш билан машғул бўлиб юрган бўлса ҳам, содик ҳеч қачон ўз фаолиятининг оқибатларидан безовта бўлмайди. Худонинг содик хизматкори ҳамиша Худони рози қиласидан, Унга хуш келадиган ишларни қилиб юради. У ҳар қандай фаолиятга хиссиётини

лаззатлантириш учун имконият ёки азоб-уқубатдан қутулиш йўли деб қарамайди. Содик хизматкордан фарқли равища, саннряси ҳамма ерда мавжуд Рух ҳақидаги илмни чукур ўрганиш ниятида дунёвий ишларни бутунлай тарк этади. Сехргар-йог эса, муроқаба қилишда камолотга эришиб, қалбида мавжуд бўлган Олий Рухни яққол кўриш имкониятига эришиш ниятида таркидунё қилади. Аммо Худонинг sodik хизматкори ҳаётда ягона мақсад билан яшайди - унинг мақсади ўзининг ҳар бир иши билан Худони рози қилиш, қилаётган хизмати билан Худони мамнун қилиш. Бунда ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламагани учун, sodik ҳақиқатан ҳам барча дунёвий вазифалардан озод бўлади ва саннряси ва сехргарлардан фарқли равища, у ана шундай озодликка эришиш учун алоҳида ишлар қилиши шарт эмас. Шунинг учун, саннряслар эришадиган илмга ҳам, сехргарлар эга бўладиган қудратнинг саккиз турига ҳам sodik хизматкор ўзидан-ўзи эга бўлади. Лекин шунга қарамай, sodik ҳеч қачон қилаётган хизмати эвазига ўзи учун бирор манфаат, шон-шуҳрат ёки хурмат-эътибор таъма қилмайди. Унинг ягона истаги - Худо Шахсига ҳамиша илоҳий хизмат қилиш билан машғул бўлишдан иборат. Фақат ана шундай холис хизмат қилиш эвазига у ҳаётда орзу қилиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган барча баҳт-саодатларга эришади. Агар инсон барча баҳт-саодатларга табиий равища, ўзидан-ўзи эришадиган бўлса, у бирор нарсани ўйлаб ташвишга тушишининг, безовта бўлишининг ҳожати борми?

Йога усулининг Патанджали тизими қоидаларига амал қилиб юрган сехргар-йог танасининг ҳаёт фаолиятини тўхтатиб қўяди ва транс ҳолатига киради. У ўзининг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухни яққол кўриш учун жуда оғир қийинчиликларни бошидан кечиради. Бошқача қилиб айтганда, ўзи муроқаба қилаётган, оламда тенги йўқ Зотга эришиш учун у ҳар қандай қийинчиликларни бошидан кечиришга, ҳатто ҳаётини ҳавф остига қўйишга ҳам тайёр. Худо Шахси "Бҳагавад Гита"(6.22)да шундай дейди: "Қалбида намоён бўлган Олий Рухни кўрган сехргар-йог ҳаётда мана шу илоҳий ҳолатдан ҳам юксакроқ лаззат йўқ эканига амин бўлади. Шундай ҳолатда бўлар экан, одам ҳатто эга оғир мусибатлар олдида ҳам эсанкираб, саросимага тушиб қолмайди".

Патанджали йога тизимиға асосан сехрли йога деганда ўзгарувчан ва бекарор аклни тўлиқ жиловлаб олиш тушунилади. Илоҳий ҳолатга эришиш - моддий сезги аъзоларининг фаолиятини тўхтатиш ва теварак-атрофга мукаммал руҳий нұқтаи-назар билан қараш погонасига кўтарилишдан иборат. Ана шундай погонага кўтарилиган сехргар-йог бошқа ҳеч қандай фаолиятга чалғимайди. Сехр қудратининг саккиз тури бор: *анима* - энг кичик нарсадан кичик бўлиш; *лаҳхима* - энг енгил нарсадан енгил бўлиш; *прапти* - истаган нарсага ета олиш; *ишиита* - сайёralар яратади олиш; *вашиита* - ҳар кимни ўзининг амрига бўйсундира

олиш ва ҳоказо. Булар сехрли-йогада камолотнинг энг юқори босқичига эришиш йўлида ўз-ўзидан пайдо бўладиган қўшимча қобилиятлардир. Жуда кўп сехргар-йоглар ана шу қобилиятлардан бир-иккисига эришгандан кейин, аклиниг хотиржамлигини, қалбининг осойишталигини йўқотиб қўядилар. Ақл хотиржам, кўнгил осойишта бўлмаса, энг олий камолотга - Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришиб бўлмайди.

Лекин, Худонинг sodik хизматкорига бундай омадсизлик таҳдид раҳна сололмайди, чунки унинг бутун дикқат эътибори Худога хизмат қилиш билан банд. Бунинг учун у атайлаб транс ҳолатига кириб ўтирумайди. Ҳамиша ҳар хил, ҳамиша ранг-баранг бўлган Парвардигорга маҳлиё бўлиб, у сехр қудратларининг аҳамиятига эътибор бериб ўтирумайди. Дунёвий ишлардан бошқа нарсани тушунмайдиган ғофил одамлар Худога хизмат қилиб юрган зотларнинг олаётган руҳий, илоҳий лаззати қанчалик буюк эканини ҳеч қачон англаб ета олмайдилар. Ҳатто, агар сехргар-йог ёки карма-йог руҳий юксалиш йўлида камолотга эриша олмаса ҳам, уларнинг бу йўлдаги интилишлари зое кетмайди. Ҳозирги ҳаётида улар бу йўлни охиригача босиб ўта олмасалар ҳам, улар албатта энг олий мақсадга эришадилар. Ҳар қандай моддий бойликлар - моддий илм-фанми, бойликли, гўзалликми - одам ўлгандан кейин тана билан бирга йўқ бўлиб кетади, аммо карма-йогнинг руҳий фаолияти оддий тана ва ақл билан боғлиқ нарсалардан устун туради; унинг фаолияти - мангу илоҳий руҳ билан боғлиқ фаолият. Бу фаолият руҳий табиатга эга бўлгани учун, моддий тананинг ҳалок бўлиши унга таъсир қилмайди. Моддий тана ҳалок бўлганда ўлмай мангу қоладиган руҳ сингари, руҳий фаолият ҳам ҳеч қачон ўлмайди, изсиз, натижасиз йўқолиб кетмайди.

Буни Парвардигор "Бҳагавад Гита"да тасдиқлайди,(6.40) ва буюк sodik Бҳактивинода Тҳакур уни қўйидагича тушунтиради: "Одамлар икки тоифага бўлинадилар. Биринчи тоифа одамлар - Худонинг қонунларига амал қилиб яшайдиганлар, иккинчи тоифа - жиноятчилар. Жиноятчилар - ҳаётда ҳеч қандай қонун-қоидаларни писанд қилмай, ўз хиссиётининг талабларини қондириш учун меҳнат қилиб юрган одамлардир. Ундан одамлар маданий ривожланган ёки қолок, илмли ёки саводсиз, кучли ёки кучсиз бўлишлари мумкин - барибир уларнинг фаолияти мазмун жихатидан ҳайвонларнинг фаолиятидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Улар ташқаридан караганда қанчалик яхши фазилатларга эга бўлиб туюлмасин, аслида уларнинг ҳақиқий инсонларга хос бўлган ҳеч қандай эзгу фазилатлари, афзалликлари йўқ.

Ҳаётда Худонинг қонунларига амал қилиб яшайдиган одамлар уч тоифага бўлинадилар: имонли, виждонли меҳнаткашлар, имперсоналист-файласуфлар ва Худонинг sodik хизматкорлари. Виждонли меҳнаткашлар ҳам ўз навбатида яна икки тоифага бўлинадилар: ўз

мехнати натижалари билан лаззатланишга интиладиганлар ва бундай истаклардан озод бўлганлар. Биринчи тоифага мансуб кишилар ўткинчи моддий баҳтга интиладилар, қилган меҳнатлари эвазига улар моддий, ўткинчи баҳтга эга бўлиб, моддий коинот чегарасида бирор жаннатий сайдера лаззатланиш имконига эга бўладилар. Лекин, шуни эсда сақлаш зарурки, ундай баҳтлар ҳамиша ўткинчи, алдамчи баҳт-саодатлардир. Ундан одамлар мангу ва руҳий табиатга эга бўлган ҳақиқий баҳтни англаб етмайдилар. Ҳақиқий руҳий баҳт қандай бўлишини факат моддий ҳаёт тутқунлигидан халос бўлган зотларгина англаб ета оладилар. Руҳий табиатли илохий, мангу баҳтга эришиш ниятида қилинмаган ҳар қандай фаолиятнинг натижалари бефойда ва вақтингчалик бўлганича қолаверади".

Бутун фаолияти руҳий мақсадга эришишга қаратилган кишини карма-йог деб атайдилар. Карма-йога йўлига кириб, инсон аста-секин ўз ҳаётини поклай бошлайди, руҳий илмга эга бўлади, муроқаба қилишда камолотга эришиб, охир оқибатда Худога, Олий Шахсга илохий муҳаббат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлади. Баъзан, бирор дунёвий мақсадга эришиш ниятида ҳар хил қийинчиликларга учраб юрган дунёвий-заҳматкашни буюк риёзатчи(тапасви) ёки маҳатма(буюк зот) деб қабул қиласидилар. Лекин аслида дунёвий одамларнинг чекаётган қаттиқ риёзатлари охир-оқибатда ўзларининг моддий ҳиссиётининг талабини қондиришга қаратилган, шунинг учун руҳий жиҳатдан ундай риёзатларнинг умуман фойдаси йўқ. Баъзи бир иблислар, масалан, Равана ёки Хиранякашипу ҳам қаттиқ риёзатларга берилган эдилар, аммо улар ўз ҳиссиётининг талабини қондириш сингари ўткинчи нарсалардан бошқа ҳеч нарсага эриша олмадилар. Шунинг учун чекланган ҳиссий лаззатлардан устун кўтарила олган кишиларгина ўзини руҳий натижаларга интилиб юрган киши ёки карма-йог деб айта олади.

Руҳий юксалиш йўлидан бораётган одам ҳатто бирор сабаблар билан илохиёт йўлидан адашиб кетса, унга яна бу йўлни давом эттириш имконияти берилади. "Бҳагавад Гита"(6.41)да айтилишича, шундай одам кейинги ҳаётида ҳақиқий браҳман ёки ҳаётини Худо йўлига бағишлаган бадавлат савдогар хонадонида туғилади.

Карма-йог, дхряна-йог, гряна-йог, ҳатха-йог ва бхакти-йоглардан таркиб топган барча илохиёт одамлари ичida айниқса бхакти-йоглар - энг улуғвор зотлардир. "Бҳагавад Гита"(6.47)нинг тасдиқлашига кўра, улар ҳамиша Худо ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юрадилар ва чарчамасдан Худога садоқат билан бетиним холис хизмат қиласидилар.

Шубҳа йўқки, барча йога турларининг охирги мақсади Худога илохий муҳаббат билан хизмат қилиш даражасига эришиш ҳисобланади. Юқорида "Бҳагавад Гита"дан келтирилган шеърнинг мазмуни шундан иборат. Бхактивинода Тхакур ҳам шуни таъкидлайди: "Худо Шахсига

илохий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган киши - энг буюк сеҳграр-йогдир". Қалби Парвардигор Шри Кришнага нисбатан муҳаббатга тўла, Унга бутун ҳаётини бағишлаб садоқат билан хизмат қилиб юрган кишини "энг буюк сеҳграр" деб ҳисоблаш керак. Агар одам моддий баҳт-саодатга эришиш учун қандайдир риёзатларга берилб юрган бўлса, уни сеҳграр ёки йог деб бўлмайди. Лекин риёзатлари, меҳнатлари натижасидан лаззатланиш истагидан халос бўлган инсонлар мутафаккир-файлласуф, саккиз сеҳр қудратига эга сеҳграр ва ниҳоят Олий Шахс - Худога илохий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган Худонинг содик хизматкори сифатида ҳар қандай ҳурмат-эътиборга лойиқ зотлардир.

Аслини олганда сеҳграрлик, яъни илохиёт йўли ҳамма учун бир. Бу йўл худди инсонни олий мақсадга олиб борувчи узун зинапояга ўхшайди. Ундан аста-секин кўтарила бориб, инсон охир-оқибатда руҳий баркамолликка эришади. Карма-йогани, яъни руҳий натижа берадиган фаолиятни шу зинапоянинг биринчи поғонаси деб ҳисоблаш мумкин. Фалсафий изланишлар ва бу дунёнинг ишларини умуман тарқ этишига қизиқиб қолган карма-йог руҳий юксалишнинг иккинчи поғонасига - гряна-йога поғонасига кўтарилади. Одам бутун мавжудотнинг ягона олий хукмдори бўлган Худо Шахси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлганида ва ўзининг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорни яққол қўришга интилаётганида, руҳий юксалиш зинапоясининг учинчи поғонасига, дхряна-йога даражасига етади. Ниҳоят, ўзини Худонинг Олий Шахсига илохий муҳаббат билан холис хизмат қилишга бағишлаб, инсон бхакти-йога поғонасига - руҳий юксалишнинг энг юқори поғонасига кўтарилади ва камолот чўққисига эришади. Шу тариқа, ҳақиқий сеҳграрлик йўли - инсоннинг аста-секин ривожланиб борадиган руҳий юксалиш жараёнидир ва шу поғоналарнинг барчасини ўз ичига олади. Йога зинапоясининг энг юқори поғонасини тушуниш ва уни муносиб баҳолаш учун содик зинапоянинг пастки поғоналарини ҳам яхши билиш лозим. Агар одам ўз ҳаётида инсон эриша олиши мумкин бўлган энг олий мақсадга эришишни истаса, у албатта руҳий юксалишнинг мана шу йўлидан бориши лозим.

Лекин бу йўлдан бора туриб, биринчи, иккинчи ва ҳоказо, оралиқ поғоналарда тўхтаб қолмаслик керак; ҳамиша юксакликка интилиб, йоганинг энг юқори поғонасига кўтарилиш ва Худо Шахсига илохий муҳаббат билан хизмат қилиш даражасига етиш лозим. Оралиқ поғоналарнинг бирида тўхтаб қолган ва эришган даражаси билан қаноатланиб, юқорига интилмаётган одам карма-йог, гряна-йог ёки дхряна-йоглар деб аталади. Йогларнинг ҳар хил номлар билан аталишининг бирдан-бир сабаби ана шундан иборат. Демак, хулоса шундан иборатки, гарчи руҳий юксалиш йўли ягона бўлса ҳам, Худонинг улуғвор содик хизматкори барча илохиёт одамлари ичida энг буюк зот

ҳисобланади, бу йўлнинг охирги мақсадига фақат ана шундай одам эришади.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, руҳий ривожланиш йўли моддий оламдаги юксалиш йўлидан фарқ қиласди. Бу дунёда, бирор соҳа бўйича ривожланишнинг юксакроқ поғонасига кўтарилиш учун ундан пастдаги поғонани албатта босиб ўтиш керак, бунинг бошқа йўли йўқ. Масалан, илмий даража олиш учун, одам билим ўрганиш жараёнидан ўтиб, бир қанча имтиҳонлар топшириши лозим. Бошқа йўл йўқ. Ўқиб, илм ўрганмасдан, зарур имтиҳонларни топширмасдан ҳеч ким илмий унвонга эга бўла олмайди. Лекин руҳий юксалиш йўлида, гарчи бу йўлдан поғонама-поғона бориш учун муқаддас китобларда барча кўрсатмалар берилган бўлса ҳам, Худонинг марҳамати билан, аввалги поғоналардан ўтмасданоқ илоҳий, юкори поғонага кўтарилиш мумкин. Лекин, Худонинг бундай нодир марҳаматига Парвардигор билан қандайдир яқин муносабатлар билан боғланган одамларгина сазовор бўла оладилар. Худо билан шундай яқин муносабатларни фақат Унинг содик хизматкорлари билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билангина қайта тикилаш мумкин.

Ҳар бир тирик мавжудот Худо Шахси билан ўзаро бузилмас, мангу ва сирли муносабатлар билан боғланган. Аммо, моддий қувват билан аралашганимиз натижасида узоқ вақт алданиб, адашиб юрганимиз сабабли биз шу муносабатларни аллақачон унтиб юборганимиз. Гарчи, аслида бизлар энг бадавлат отанинг, ягона Парвардигорнинг илоҳий фарзандлари бўлсак ҳам, ҳозир бизлар худди адашиб юрган уйи йўқ девона-гадойларга ўхшаймиз. Чукур фикр юритиб, биз бу ҳақиқатни очиқ-ойдин кўришимиз мумкин. Шунга қарамай, биз гайритабиий отамизни, у билан бўлган муносабатимизни эсга олмасликни афзал кўрамиз. Бунинг ўрнига, шунча уринишларимиз зое кетаётганига қарамай, ҳамма гадой-девоналарнинг бошига мукаррар тушадиган мусибатлар сингари, ҳаётда учрайдиган ҳар хил очлик ва қашшоқлик сингари қийинчиликларни енгишга уринишда давом этаверамиз. Ҳаёт йўлида бизга худди ўзимизга ўхшаган дўйстларимиз - гадой-девоналар учраб туради. Баъзан, бирор соҳада биздан устунроқ бўлган одамлар бизга муваффақиятга эришиш учун осонроқ йўл кўрсатадилар, лекин уларнинг кўрсатмаларига амал қилсак ҳам, барибир ҳаётда бахтли бўла олмайдимиз. Шундай одамлар бизни дунёвий ишлар билан машғул бўлишга, илм олишга, муроқбага берилишга, сеҳрли йога билан шуғулланишга ва бошқа кўп ишлар билан шуғулланишга ундейдилар, афсуски уларнинг бирортаси биз интилаётган ҳақиқий, туганмас бахтга эришиш йўлини кўрсата олмайди. Шунинг учун, Праяг шахрида, Ганга дарёси бўйидаги Даشاшвамедха-гхатада Шрила Рупа Госвами билан учрашганида, Парвардигор Чайтанря унга айтган эдик, Худога садоқат билан хизмат килиш уругини олиш бахтига фақат Парвардигорнинг

ҳамда Унинг содик хизматкорининг марҳаматига эришган камдан кам, энг нодир омадли руҳларгина сазовор бўладилар.

Ягона Парвардигор Кришнанинг илоҳий хабари бўлган "Бҳагавад Гита"ни ўрганар эканмиз, биз Худога илоҳий хизмат қилишнинг ана шу нодир уругини олиш бахтига сазовор бўламиз. Фақат шундагина, Шри Кришна "Бҳагавад Гита"да берган кўрсатмаларининг мазмунини тўғри тушуна олсаккина, бизга Унинг буюк хабарининг ҳақиқий улуғворлиги аён бўлади. Акс ҳолда, биз умрлар оша "Бҳагавад Гита"ни ўрганишимиз, унга минглаган изоҳлар ёзишимиз мумкин, лекин буларнинг барчаси биз учун мутлақо бефойда бўлади.

Парвардигор Шри Кришна "Бҳагавад Гита"да Ўзи ҳақида бизга маълумот беради. Жуда кўп оддий одамлар ҳар хил автобиографиялар ёзадилар, бошқалар эса уларнинг ёзганларини ҳеч инкор этмай, мароқ билан ўқийдилар. Лекин Парвардигор, Шри Кришна Ўзи ҳақида гапирганида, нимагадир одамлар Унинг айтганларини ўқишига, тинглашга, ундаги илоҳий хабарларни инкор этмай, қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга шошилмайдилар. Уларнинг бахтиқаролиги ҳам шунда. Улар "Бҳагавад Гита"да келтирилган Худонинг оддий сўзларидан қандайдир бошқача маънолар тўкиб чиқармоқчи бўладилар, шу билан ўзларининг ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурларини Худонинг сўзлари билан тасдиқламоқчи бўладилар. Ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурлар ҳеч қачон Худонинг Сўзи билан тасдиқланмайди. Охир оқибатда одамлар ўзларининг бемаъни таълимотларини ҳаётда исботлай олмайдилар, шунда улар ўз мулоҳазаларини Худонинг ўрнига бирор қалбаки Худони кўйиб ҳимоя қилишга уринадилар.

Шри Кришна - Худо Шахсининг Ўзи, ягона Парвардигор эканини "Бҳагавад Гита" очиқдан очиқ тасдиқлайди. Бунинг устига, унда айтилганки, бизнинг ҳаётдаги ягона вазифамиз - Шри Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат. "Бҳагавад Гита"ни ўқир эканмиз, биз мана шу икки оддий ҳақиқатни англаб етсан, руҳий юксалиш йўлида биринчи қадам босишига эришган бўламиз.

\*\*\*\*\*

Минглаб йиллардан бери инсоният хотирасидан ўчмай келаётган буюк донишмандларнинг барчаси ҳаётда Худони таниш, Унинг инсоният учун нозил қилган муқаддас китобларига чукур иймон келтириб яшаш орқали ҳақиқий бахтга эришганлар. Ягона Парвардигор санскрит тилида “сач-чит-ананда”, яъни “мукаммал илм ва чексиз лаззатнинг мангу манбаи бўлган Илоҳий Зот” деб таърифланади. У бутун борлиқни, барча тирик мавжудотларни факат Ўзи лаззатланиш учун яратиб қўйган. Инсон барча тирик мавжудотлар ичида Парвардигорга энг яқин, Унинг Ўзига ўхшатиб яратилган ва энг юксак онг ато этилган буюк мавжудотдир. Ҳар бир инсон бу дунёда бахтли яшashi учун Парвардигор ҳар бир халқни бирор муқаддас китоб орқали Ўзининг амру-иродасидан, Ўз хоҳишидан хабардор қилган.

Инсон ҳозирги ҳаётида бахтли яшashi ва кейинги ҳаётида эса, мангу бахтга эришиши учун бу дунёда ҳалол, бегуноҳ яшashi, охират кунига, яъни ўлгандан кейин ҳаёт албатта давом этишига ишониши, Худо учун холис хизмат килиш орқали ўлганидан кейин давом этадиган илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётига тайёрланиши лозим. Ана шундай буюк мақсадга эришиш учун одам ўзида қуйидаги 4 сифатни ривожлантириши лозим. 1. Риёзат, 2. Поклик, 3. Мехрибонлик, 4. Ростгўйлик. Бу фазилатлар ҳар бир иймонли, виждонли одамнинг безаклари бўлиб, Парвардигор яратиб қўйган барча ҳақиқий дин қонунларининг тўрт устунидир. Инсон кундалик ҳаётда маст килувчи нарсаларни(ароқ, сигарет, нос, ҳатто чой, қаҳва) истеъмол қиласли билан ўзининг қалбида Риёзат, зинодан сақланиш билан - Поклик, нафси учун бошқа тирик мавжудотларга зулм ўтказмаслик(ёвузлик қилиб гўшт, тухум, балиқ сингари маҳсулотларни ишлатмаслик) билан - Мехрибонлик, ҳар хил лотерея, қимор ўйнаш, ҳаром пул топишдан сақланиш билан ўзида Ростгўйлик фазилатларини ривожлантиради.

Мана шу эзгу фазилатларга қарши ўлароқ, иймонсиз, виждонсиз одамларнинг сифатлари эса, мос равища - манманлик, зино, ароқхўрлик ва ёлғон гапиришдан иборат.

Тақводор одамлар ҳалол яшаш билан бирга ҳар бир кунини Худога сифинишдан бошлайдилар. Ҳозирги биз яшаб турган даврда Худога сифинишнинг энг қулай тури Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан иборат. Бу усул ҳар қандай диннинг асосини ташкил этади. Накшбандий, Нажмиддин Кубро, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий сингари буюк авлиё аждодларимиз ҳам айнан Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш орқали руҳий баркамолликка эришганлар. Зикр

инсон қалбига ором бағишлиайди, бу эса - ҳақиқий баҳтдир. Баҳт эса - ҳаётимиз мазмуни, ҳамма интилиб юрган мақсад. Худонинг муқаддас номлари барча динларнинг муқаддас китобларида берилган: пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в) ўз умматларига: “Оллоҳ”, “Алҳамдуиллоҳ”, “Субҳаноллоҳ”, “Оллоҳу акбар” ва ҳоказо; Ийсо пайғамбар ўз издошларига: Господи Иисусе Христе, помилуй меня грешного” деган илтижоларни зикр қилишни буюриб кетган., Индусларда “Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре”, “Ом намо Нарайанах”, “Ом намо бхагавате васудевайа” ва ҳоказо ....

Қайси динда бўлишингиздан қатъий назар муқаддас китобларда келтирилган Худонинг муқаддас номларини зикр қилинг ва баҳтли бўлинг!